

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
“ЖАҲОН ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИ

401- гуруҳ IV-босқич талабаси

ҚИЛИЧЕВА ГУЛНОЗА ТЎРАБОЙ
ҚИЗИНИНГ

“СУРХОН ВОҲАСИ МЕЪМОРЧИЛИГИ: АНЪАНАВИЙЛИК ВА
ЗАМОНАВИЙЛИК” *мавзусидаги*

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ

ТЕРМИЗ – 2013

КИРИШ

- 1. ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИК КОМПЛЕКС ЭКСПЕДИЦИЯСИ**
- 2. ТЕРМИЗИЙ МЕЪМОРИЙ МАЖМУИ,**
- 3. ТЕРМИЗИЙ МЕЪМОРИЙ МАЖМУИ**
- 4. ТОШ ЎЙМАКОРЛИГИ –**
- 5. ДАВЛАТ УЙ-ЖОЙ ФОНДИ**
- 6. ЗАРДЎЗЛИК**

Х У Л О С А ВА ТАВСИЯЛАР.

Фойдаланилган адабиётлар.

КИРИШ ҚИСМИ

Битирув малакавий ишнинг долзарблиги. Қадим тарихимизни яратиш борасида Президент И.А.Каримовнинг «Бугунги бой маданиятимиз қайси цивилизациянинг махсули. Шундай маданият бор экан, уни шу заминда яшаган халқ яратганми ёки у бўм-бўш жойда пайдо бўлганми?»¹ деган сўзлари биз тарихчи-олимларга дастуруламал бўлиб қолмоқда. Цивилизациялар тарихини яратишда Юртбошимизнинг қуйидаги гаплари иш услубимизга айланиб бормоғи лозим: «Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва ўзаро самарали таъсирининг махсулидир...»². Худди шундай. Дунёда ҳеч бир халқ йўқки, ўз ривожланиш ва тараққиёти жараёнида бошқа халқлар ва маданиятларнинг таъсири бўлмаса. Халқларнинг ўзаро маданий ва савдо алоқалари, айниқса халқларнинг буюк кўчишлари натижасида янги маданиятларнинг шаклланишига замин яратилган. Бу жараён Ўрта Осиё халқлари тарихига ҳам тааллуқли. Ўрта Осиё жойлашган географик ўрнига кўра қадимги халқлар ва маданиятларнинг, илк цивилизацияларнинг кесишган, уларни ўзаро боғловчи вазифасини бажарган ҳудудлардан биридир. Буюк Ипак Йўлининг шу ҳудуддан ўтиши, шарқ ва ғарб халқларини боғловчи йўллар айнан Ўрта Осиёдан ўтганлиги маҳаллий халқлар маданиятининг шаклланиши ва ривожланишига ҳам катта таъсир этган, албатта. Бу жараён моддий маданият тарихи мисолида жуда яхши кузатилади. Ўрта Осиё ва Хитойда пайдо бўлган ипакнинг, Кичик Осиё -Хетт халқлари кашф этган темирнинг бутун Осиё ва Европа бўйлаб тарқалиши каби кўплаб мисоллар халқларнинг ўзаро маданий алоқалари ва таъсирлари натижасидир.

Битирув малакавий ишда Сурхон воҳаси меъморчилиги: анъанавийлик ва замонавийлик Бақтрия лапс-лазуритининг Қадимги Шарқ дунёсида оммалашиб кетиши, Месопатамия шаҳарларига ушбу маъданнинг кенг тарқалишида ҳараппаликларнинг ўрни катта бўлганлиги, жаҳон халқлари тарихида энг қадимги савдо ва маданий алоқа йўли ҳисобланган Бақтрия -

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йук. Биз келажакимизни ўз қулимиз билан қураимиз. Тошкент, Ўзбекистон» нашриёти, 1999. 146-бет.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йук. Биз келажакимизни ўз қулимиз билан қураимиз... 146-бет.

Марғиёна - Эрон - Ҳараппа - Месопотамия йўналишида шаклланган, тарих фанида "Лал йўли" номи билан машҳур бўлган, инсониятнинг маданият бешиги бўлган. Қадимги Шарқ дунёсининг ривожланишида катта ҳиссаси бўлган ушбу йўлнинг пайдо бўлиши ва тараққиётида Ўрта Осиё ва Қадимги Хиндистонликларнинг ўрни бекиёсдир. Ўрта Осиё халқларининг бундай маданий алоқалари Евроосиёнинг кўплаб тарихий минтақалари билан олиб борилган, аммо Хиндистон бу борада алоҳида ўрин тутди. Бу халқлар ўз тарихий ривожланиши давомида беш маротаба бир давлат ёки империя таркибида бўлган. Бўлар Аҳамонийлар, Юнонлар, Салавкийлар, Кушонлар, А.Темур ва Темурийлар даври бўлиб, бу сиёсий жараёнлар ҳам икки халқнинг маданий ва халқлар минталитетининг яқинлашишига сабаб бўлган омиллардан биридир. Икки тарихий минтақа халқларининг ўзаро маданий алоқаларига қачон асос солинган, бу тарихий жараёнлар қандай кечган, ўзаро экспанция натижасими ёки маданий алоқалар заминида юзага келганми деган саволларга жавоб топиш ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Президент И.А. Каримов 2009 йил 25 август куни Термиз шаҳрида бўлиб, Термиз давлат университети янги биносининг очилиши тантаналарида қатнашди. Тарих факультети аудиторияларини ва бу аудиторияларда намоёиш этилган Қадимги Бактрия археологияси дурдоналарини кўздан кечирар экан, Қадимги Бактрия давлати тарихига жуда катта эътибор бериш кераклиги, Қадимги Бактриянинг Марказий Осиё халқларининг маданий тараққиётида ниҳоятда катта роль ўйнаганлиги, ўзбек давлатчилиги тарихининг энг қадимги давларини Қадимги Бактрия билан боғлаш зарурлигини таъкидладилар. Бактрия ҳудудида жойлашган кўплаб археологик ёдгорликларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, бронза даврига оид Даштли, Жарқўтон, Тиллабулоқ, Сополлитепа каби ёдгорликларда олиб борилган ишлар натижасида Ҳараппа маданиятига хос бўлган кўплаб Битирув малакавий ишда Сурхон воҳаси меъморчилиги: анъанавийлик ва замонавийлик ашёлари топилган. Шу манбалар Ўрта Осиё ва

Қадимги Хиндистон халқлари ўртасидаги маданий алоқаларнинг бошланишидан дарак беради ва ашёвий манбалар бўлиб хизмат қилади.

1. Битирув малакавий ишнинг адабиётлари таҳлили

Битирув малакавий ишда Сурхон воҳаси меъморчилиги: анъанавийлик ва замонавийлик маданий алоқаларни ўрганиш тадқиқотчиларнинг доимий диққат марказида бўлган. Бу борада ЎзР ФА Шарқшунослик институтида олимларининг, жумладан И Низамутдинов³, И Хошимом⁴, М. Кутана⁵, С. Агзамова⁶, Б. Абидов⁷, Д. А. Кабаев⁸, М.А. Абдуразақова⁹, Н.Т. Туляганова¹⁰ каби олимларнинг ишларини эслаб ўтиш жоиздир.

Тошкент давлат Шарқшунослик институтида олимларининг кейинги 60 йил давомида Хиндистон тарихи, маданияти, тили ва маданий алоқаларини ўрганиш яхши илмий йўлга қўйилганлиги А.Н. Шаматовнинг мақоласида берилган¹¹. Антик давр тарихчиларининг маълумотлари асосида Буюк Александрнинг Ўрта Осиёдан сўнг Хиндистонга ҳарбий юришлари¹², Эллинизмнинг Осиёга, жумладан Ўрта Осиё ва Хиндистонга тарқалиши, Хиндистонда шаклланган Буддизмнинг Ўрта Осиё орқали Узоқ Шарқ; ҳудудларига тарқалиши, милодий I-IV асрларда умумлашган, маданиятлар қоришмаси натижасида шаклланган Кушонлар империяси даврида икки тарихий минтақа маданий бирлигининг кузатилиши¹³, Абу Райхон Берунийнинг Хиндистон Санкхья фалсафа мактабининг илмий меросини

³ Низамутдинов И. Ўрта Осиё чет эл шарқи билан муносабатлари. Т. 1961.

⁴ Хашимов И. Формирование основных идейно-политических течений в Индийском Национальном Конгрессе. Автореф. Док. Дисс. Т., 1985.

⁵ Кутана М. Региональные - идейно - политические течения в национально - освободительном движении Индии (XIX-XX вв). Т., 1989.

⁶ Агзамова С. Крестьянское движение в штате Пенджаб (1965-1978 гг). Автореф. Канд. Дисс. Т., 1979

⁷ Абидов Б. Деятельность и идейно-политические взгляды Дала Ладжпат Рая. Автореф. дисс. Т., 1989.

⁸ Кабаев. Д.А. Из истории общественно политических движений Индии. Автореф. дисс. Т., 1994

⁹ Абдуразакова М.А. Социально-экономические и политические развитие княжества Хайдарабад в XIX веке. Автореф. Дисс.Т., 1996.

¹⁰ Туляганова Н.Т. Сикхское сепаратистическое движение в Пенджабе и проблемы сохранения целостности Индии (1970-1980 гг). Автореф. Дисс. Т., 1993.

¹¹ Батай Ю.А. К Оп 1пе Оеуеюртет оПисНап БгасИез т ШЪela51ап ғғ Сетга1 А\$1а - Гпспа 01a1o\$ие. Ташкент, 2008.

¹² Арриан. Поход Александра. Пер. М.Е.Сергеев. - М.:Л., 1962; Руф Квинт Курций. История Александра Македонского. Под. ред. В.С. Соколова, М.: 1963.

¹³ Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия - Тохаристан. Очерки истории и культуры (древность и средневековье). - Ташкент, 1990. - 238 с.

ўрганишга бағишланган тадқиқот ишлари¹⁴, Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар даврида Ўрта Осиё ва Хиндистон ўртасидаги сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, маданий ва савдо муносабатлари тарихи тадқиқотчилар томонидан яхши ёритилган. Бу борада, айниқса Бобурийлар даври тарихига ниҳоятда катта эътибор берилган. Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Хиндистонда амалга оширган ишлари кўплаб бадиий ва тарихий асарларда ёритилган¹⁵.

Ўрта Осиё хонликлари даврида Сурхон воҳаси меъморчилиги: анъанавийлик ва замонавийлик маданий алоқалар ва бу алоқаларда Чор Россиясининг ўрни масаласи Д.С. Қулмаматов тадқиқотларида ўз аксини топган¹⁶.

Аммо, Ўрта Осиё меъморчилиги: анъанавийлик ва замонавийлик маданий алоқалар алоқалар қачон бошланганлиги мавзуси алоҳида илмий тадқиқот сифатида ёритилмаган. Умуман ёритилмаган десак ҳам нотўғри бўлади. Чунки, Қадимги Шарқ цивилизациясига оид ёдгорликларда, жумладан Ур, Урук, Шумер, Ҳараппа, Калибанган каби шаҳарлардан ложуварддан ясалган тақинчоқларнинг топилиши олимларга Бактрия ва Месопатамия, Бактрия ва Ҳараппа, Бактрия ва Элам, Қадимги Эрон ва Бактрия ўртасида маданий алоқалар бўлганлиги тўғрисида XIX асрдаёқ мушоҳадалар юритишга асос бўлган.

Қадимги Эрон ҳудудидаги, хусусан Сиалк, Гиан, Хисор каби ёдгорликлардан тошларга ишлов берувчи устахоналарнинг топилиши шарқшунос олимларга ложувардга ишлов беришда қадимги эронликларнинг ўрни масаласини кўтаришга имкон берган, яъни Бадахшондан келтирилган қимматбаҳо ложувард тошига Сиалк, Гиан устахоналарида ишлов берилиб, тайёр маҳсулот даражасига келтирилган ва Қадимги Шарқ шаҳарлари

¹⁴ Бируни «Индия» избр. Соч. Т.П. Издательство академии наук УзССР 1963; Юлдашева Л.С. Абу Рейхан Бируни о древней индийской философской школе Санкхья // Диалог Центральная Азия - Индия. Построение партнерства на основе богатого культурного и исторического наследия (Ташкент, 14-15 март, 2008). Т., 2008.-189-192.

Мусоев Ш. Сведения "Тарих-и Шахи" Ахмада Ядгара об аппарате управления в государстве Бабура в Индии гг Диалог Центральная Азия - Индия. (Ташкент, 14-15 март, 2008). Т., 2008. - 171-176.

¹⁶ Қулмаматов Д.С. Роль среднеазиатских ханств в установлении российско-индийских связей в XVII в. гг Диалог Центральная Азия - Индия. (Ташкент, 14-15 март, 2008). Т., 2008. - 164-170.

бозорларида сотилган деган қарашнинг шаклланишига асос бўлган¹⁷. Эслаб ўтилган ёдгорликларда ниҳоятда бой қабрларнинг учраши, уларнинг ложувард савдосини назорат қилиб турганлиги, шу йўл билан жамият бошқарувини қўлга олган ҳукмдорлар тоифасининг шаклланганлиги хусусидаги фикрларнинг шаклланишига асос бўлган¹⁸. Демак, Бақтрияни Олд Осиёнинг Шумер, Элам каби қадимий давлатлари билан боғловчи йўлнинг бир тармоғи Эрон орқали ўтган деган фикрнинг ашёвий далиллари етарлича¹⁹. Жанубий Туркменистон ҳудудида жойлашган, В.М. Массон, В.И. Сарияниди каби олимлар томонидан ўрганилиб келинаётган Алтиндепе, Тоголок, Гонур каби ёдгорликлардан ҳам кўплаб Бақтрия ложувардларидан ясалган буюм ва тақинчоқларнинг топилиши олимларга Ложувард йўли тармоқлари ҳақида фикр юритишларига асос бўлган. Жанубий Туркменистоннинг бронза даври ёдгорликларидан Ҳараппа маданиятига оид кўплаб моддий маданият намуналарининг топилиши тадқиқотчиларга Марғиёна ва Ҳараппа маданиятлари ўртасида маданий алоқалар масаласини ёритиш имкониятини берган. Айниқса, Бақтрия ҳудудида Шўртўғой ёдгорлигининг очилиши олимлар ўртасида катта тортишувларга сабаб бўлган. Бу ёдгорлик Ҳараппа маданияти аҳолиси томонидан қолган, вақт ўтиши мобайнида маҳаллий халқлар ва кўчманчи Бешкент маданияти билан ассимилялашиб кетган аҳоли яшаган бўлиб, ёдгорликнинг тадқиқотчиси Г. Франкфортнинг фикрича ҳараппаликларнинг лазурит савдоси йўлида курган аҳоли манзилгохидир. Жарқўтон ёдгорлиги асосчиси А.А. Асқаров Сополли маданияти хронологиясини ва даврлаштириш масаласида Кўзали босқичининг пайдо бўлишини бевосита Ҳараппа маданиятининг таъсири деб баҳолайди. Олимнинг фикрига қараганда Кўзали босқичи сополлари мажмуаси шакл ва сифат жиҳатдан Ҳараппа маданиятига кўпроқ ўхшайди. Жарқўтон саройи ўрганилиши муносабати билан унинг меъморий тархлари Ҳараппа

¹⁷ Чайлд Г. Древнейший Восток в свете новых раскопок. М.: 1956. 383 С.

¹⁸ Тозл М, Пгето М. Ёқук Ёесъполошу Ёеўпа¹ те апслен1 лар15 лагин п-айе ғғ Ехре<1к1опл973. У.16. Р.15-23.

¹⁹ Массон В.М. Протогородская цивилизация юга Средней Азии // СА. 1967. С. 165-190.

маданиятининг Калибанган ёдгорлиги меъморчилигига яқинлиги Т.Ш. Ширинов томонидан эътироф этилган .

Бақтрия ва Марғиёнанинг Ҳараппа маданияти меъморчилиги: анъанавийлик ва замонавийлик маданий алоқалар маданиятидаги яқинлик, айниқса Шўртўғой ёдгорлигининг ўрганилиши тадқиқотчиларга Ўрта Осиё аҳолисини бронза даврида экваториал ирқига оид деган фикрга боришга ҳам асос бўлган. Маълумки, ўтган асрнинг ўрталарида Ўрта Осиё аҳолиси бронза даврида дравид тилли бўлган деган ғоя тарқалган²⁰. Бу ғояни Марказий Осиё тарихи билан шуғулланувчи забардаст олимлар ҳам қўллаб-қувватлашган. Б.А. Литвинский бу фикрни Амударёнинг чап томонида жойлашган Ҳараппа маданиятига оид Шўртўғой ёдгорлиги мисолида исботлашга ҳаракат қилади. Афсуски, Ҳараппа маданиятига оид бошқа ёдгорлик Ўрта Осиё ҳудудида топилгани йўқ. Ушбу ғоя тарафдорлари Ўрта Осиёнинг антропологик манбаларини ниҳоятда яхши билишса-да, фойдаланмайдилар. Тўғрироғи, эслаб ўтишни истамайдилар. Маълумки, Дравидоидлар экватор атрофида тарқалган аҳоли бўлиб, қоратанли кишилар ҳисобланади. Сополли маданияти ва умуман Ўрта Осиёнинг бронза даври антропологияси жуда яхши урганилган, лекин антропологик жihatдан экватор ирқига оид манбалар деярли учрамайди²¹. Шу маълумотнинг ўзи ҳам Ўрта Осиё аҳолисининг бронза даврида дравид ирқига оид эмаслигини ёки дравид тилли бўлмаганлигини тасдиқлайди. Бронза даврида Ҳараппа маданиятининг жуда кенг ҳудудларда тарқалишини ҳисобга олиниб, "Ҳараппа маданий ва иқтисодий бирлиги" ибораси ҳам пайдо бўлди ва бу бирликка Ўрта Осиёнинг жанубий минтақалар киритилган. Ўрта Осиё ва Қадимги Хинд халқларининг энг қадимги даврларига оид бўлган, "эгизак" манба номини олган «Авеста» ва «Ригведа» да эсланадиган арийлар бугунги кунда Андроново маданияти билан этник боғланиши кўпчилик олимлар

²⁰ Толстое С.П. Древний Хорезм. - М., 1948. - С. 68; Толстов С.П. По следам древнехорезмской цивилизации. - М., Л., 1948. - С. 86.

²¹ Ходжаев Т.К. Динамика ареалов антропогенетических типов на территории Средней Азии (неолит - нач. XX в.)//СЭ.-М.: 1983 -№3.-С. 101.

томонидан эътироф этилмоқда²². Андроново маданиятининг, яъни арийларнинг жанубга, ҳаттоки Қадимги Хинд ўлкаларигача бориши эслаб ўтилган ёзма ва археологик манбалар асосида кузатилмоқда. Кўчманчи андроново қабилаларининг Ўрта Осиё ва унинг жанубий минтақаларида ўтроқ ҳаётга ўтиши, уларнинг туб жой аҳоли билан ассимиляция жараёнларининг кечганлиги табиий ҳол эканлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Бу жараён Жанубий Тожикистон ёдгорликлари мисолида янада яққолроқ кўринади²³. Андроново ва Сополли маданияти ўртасидаги маданий алоқалар Жарқўтон давридан бошланган, кейинги босқичларда бу алоқалар кўп қиррали бўлган²⁴. Ўрта Осиё ва Қадимги Хиндистон ўртасидаги маданий алоқаларни ўрганиш масаласига Хиндистон ва Покистоннинг Ўзбекистондаги элчихоналари ҳам катта эътибор беришмоқда. Мазкур элчихоналар, Тошкентда ушбу мавзу бўйича халқаро конференциялар уюштириб, мутахассисларнинг бу борадаги фикрлари билан ўртоқлашмоқда, икки халқнинг қадимдан маданий алоқада бўлиб келганлигини, бу алоқалар заминида илк цивилизацияларга, илк шаҳар маданиятининг шаклланишига, динларнинг тарқалишида, халқларнинг этник шаклланишида, илм ва фаннинг ривожланиши ва интеграллашув жараёнларининг кечганлигининг гувоҳи бўлишмоқда²⁵.

Меъморчилик анъаналарининг пайдо бўлиши

Хунармандчилик тарихига назар солар эканмиз, воҳа аҳолисининг турли-туман хунарлари ўзига хос ва қадимий анъаналарга эга бўлиб, иқтисодий ҳаётда салмоқли ўринни эгаллаган. Сурхон воҳаси хунармандчилиги авлоддан-

²² Кузьмина Е.Е. Классификация и периодизация памятников Андроновской культурной общности // Бюллетень Международной ассоциации по изучению культур Центральной Азии. Вып. 9. - М.: 1985. - С. 43-62.; Кузьмина Е.Е. Арии - путь на юг. - М., - СПб. Летний сад, 2009. 557 с; Кузьмина Е.Е. Дискуссионные проблемы отечественной скифологии // Народы Азии и Африки. - М.: 1980. № 6. - С. 76-82; Кузьмина Е.Е. Классификация и периодизация памятников андроновской культурной общности // Бюллетень Международной ассоциации по изучению культур Центральной Азии. Вып.9. - М.: 1985. - С. 43-58; Кузьмина Е.Е. Кубкообразные сосуды Казахстана эпохи поздней бронзы // В глубь веков. - Алма-Ата, 1974. - С. 16-23; 3.109. Кузьмина Е.Е. Откуда пришли индоарии? М.: 1994. - С. 224.

²³ Утоғаслоуа Н. Ёле зраФонгегейЛспе 81ес1шх» Та5§игог т ЗшйасЪйиз^ап. Агспао1о§15спе Мт-еПип§еп аш 1гап ипа Тигап. Вала 31, ВеґИп, 1999. Р.33-46.

²⁴ Шайдуллаев. Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферата. Самарканд, ЎзР ФА Археология институт, 2009.

²⁵ Диалог Центральная Азия - Индия. Построение партнерства на основе богатого культурного и исторического наследия (Ташкент, 14-15 март, 2008). Т., 2008. - 314 с; Древние культуры Средней Азии и Индии. - Ташкент, 1984. - С. 87-97.

авлодга, устоздан шогирдга мерос тарзида ўтиб келган ва бошқа ҳудудлардан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятларга эга бўлган.

Ҳунармандчилик тармоқларининг қайси турлари, қайси ҳудудларда ривожланганлиги авваламбор аҳолининг ўтроқ, ярим ўтроқлигига, ҳудуд табиатига, хом-ашёнинг мавжудлиги кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган. Бундан ташқари иқтисодий ва сиёсий омиллар ҳам ҳунармандчиликнинг турли соҳасининг турли ҳудудларда бўлишига ўз таъсирини ўтказган. Этнограф олима Б.Кармышева воҳа ҳунармандчилигини қуйидаги минтакаларга ажратиб кўрсатган:

1. Тоғ олди ва дарёларнинг юқори оқими ҳудудлари (бу ер ҳунармандчилигида кучли ихтисослашувини кузатиш мумкин.

2. Дарё ўрта оқимлари ва дашт олди ҳудудлари ҳунармандчилиги, натурал хўжалик тартибларига асосланиб, бу уй-рўзғор ҳунармандчилиги билан изоҳланади.

3. Кенг дашт ҳудудлари ҳунармандчилиги.

Ҳунармандчилик ҳақида гап кетар экан, авваламбор, аҳолининг яшаш тарзини ўзида ифода қилувчи уй-жой қурилиши асрлар оша аҳоли талаби ва эҳтиёжи даражасида иш олиб борилган. Барча даврларда бўлгани сингари XVIII асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошлари меъморчилигини 2 турга ажратиш мумкин. Биринчиси жамоат иншоотлари, иккинчиси аҳоли учун уй жой қурилиши.

Тадқиқ қилинган йилларда Сурхон воҳасида қурилган уйларни барпо қилишда, воҳанинг табиий-географик иқлими, шароити, ер тузилиши, табиат инжиқлари, қолаверса табиий ашёларнинг мавжудлиги инобатга олинган. Асрлар давомида тажрибада кўриб ўтилган, анъаналарнинг ижобий томонлари қабул қилинган. Шу жиҳатдан олганда Сурхон воҳасида қурилган уй-жойларни ҳудудий жиҳатдан 3 зонага бўлишимиз мумкин. Биринчи зонага воҳанинг паст текисликларида яъни чўл зоналарида қурилган уй-жойлар кириб, буларга Шеробод беклигига қаровчи Термиз, Жарқўрғон, Бешқўтон, Гиламбоб, Таллимарон, Бойсун беклигига кирувчи Какайди, Денов беклигига кирувчи

Шўрчи каби аҳоли яшайдиган ҳудудлар киради. Бу ерда уйлар асосан пахсадан қурилган. Иссиқ иқлим бўлганлиги учун уйларнинг шифтлари баланд, деворлари қалин бўлган. Масалан, XIX аср охири XX аср бошларида Термиз шаҳрида чор Россияси ҳарбийлари томонидан қурилган уйларнинг пойдевори тошдан ёки пишган ғиштдан бўлиб, шифтининг баландлиги 4 метрни, деворининг қалинлиги 80 смни ташкил этган.

Паттакесар қишлоғида яшаган турманларнинг уйлари «гумбазкапа» деб аталиб, аввал қамиш гумбазсимон қилиб тикилган. Сўнгра унинг устки ва деворлари сомонли лойсувоқ қилинган. Гумбазкапанинг тепасидан ёруғлик тушиб туриши учун дарча қўйилган. У ҳар йили бир марта сомонли лойсувоқ қилиб турилган. Худди шу Паттакесар қишлоғида туркманларнинг иккинчи бир хил уй қуриш усули ҳам бўлган. Қуриладиган уйнинг пастки қалин (1 метр ва ундан қалинроқ) ва тепага кўтарилиб борган сари конуссимон шаклда унинг тепа қисми бир-бирига яқинлаштирилиб борилган ва тепа қисми туташтирилган. Бу уйларнинг деразалари бўлмаган, эшиги жанубга қаратиб қўйилган.

Томини гумбазли усулда қуриш Саловат, Хўжамулки атрофи аҳолиси уй қурилишида ҳам учратишимиз мумкин. Воҳанинг жанубида гумбазли уйлар қурилишининг сабаблари, биринчидан ёғоч кемирувчи ҳашаротлардан сақланиш; иккинчидан уй қишда иссиқ ва ёзда салқин бўлишига имкон берган; учинчидан ёғоч материалларининг қимматлиги.

Масалан: Термизда 1 куб ёғоч нархи 100 рублга етган. Бундай нархда ёғоч сотиб олишга камбағал қишлоқ аҳолисининг қурби етмаган.

Ўз навбатида уйларнинг эшиги ва деразалари шимол томонга қаралган. Бу биринчидан турли шамолларни кириб келишига имкон бермаган, ёзнинг иссиқ кунларида шимол томонда узоқ вақт соя турган.

Иккинчи зоннага воҳанинг тоғ олди ҳудудларида қурилган уй-жойлар кириб, уларга Оқтош, Пошхурт, Зарабоғ, Хўжабулғон, Қорлиқ, Работ, Пулҳоким, Сариосиё, Хазарбоғ, Дашнабод каби шаҳар ва қишлоқларни мисол қилиб келтириш мумкин. Воҳанинг Шеробод беклиги қишлоқларида пахсали

уйларнинг бурчаклари ярим айлана шаклида бўлиб, тўрт бурчагига деворга ёпиштирилган ҳолда тўртта устун ўрнатилган. Том хариси эса шу устунларга қўйилган. Бунинг сабабини В.А.Воронина метеорологик факторларга боғлайди. Бу зонага кирувчи уйлар асосан пахсадан қурилган бўлиб, шифти пастроқ, деворларининг қалинлиги 50-60 смни ташкил этган, Уйлар бир, икки ва уч хонали қилиб, жанубга қаратиб қурилган. Уч хонали уйларнинг ўртасида дахлиз бўлган, дахлиздан икки томондаги хоналарга киришган. Шунинг учун бундай уйлар «хуржин том» деб аталган. Зарабоғ, Пулҳоким, Сариосиё, Шарғун, Дашнабод, Пошхўрд қишлоқларида қурилган иккинчи зонага кирувчи баъзи уйлар синчкори (чўб кори) усулда қурилган. Бу қишлоқларнинг устки қисми ўрмонлардан иборат бўлганлиги сабабли, пахса девор ўрнига синч девор қўлланилган. Синч девор қуйидаги қисмлардан, яъни таксинч, каллак, устун, заббарак, устунгўша, қалама, ҳовонда, пуштак, бачкилардан ташкил топган. Чўбкори уйлар қуйидагича қурилган. Аввало 4 та остки синч ерга ётқизилган, 4 бурчагидан 4 та тиранч берилган. Тепасидан ҳам 4 та устки синчлар берилган. Пастки синч билан тепа синчни бир-бирига боғлаб турувчи ўртасидаги тиранчлар синчларга ўйиб киритилган. Синч уйнинг суяги тайёр бўлгандан кейин ораларидан майда-майда ёғочлар берилиб гувала урилган. Синчли уйлар ҳашар йўли билан қурилган.

Учинчи зонага тоғлик жойларда Шолқон, Вандоп, Шержон, Хўжанқо, Хатак, Хомкон, Панжоб, Сайроб, Дарбанд, Бойсун, Қўрғонча, Дуғаба, Мачай, Вахшивор, Хонжиза, Сангардак, Тўполанг ва шунга ўхшаш аҳоли манзилгоҳларида қурилган уйларни келтиришимиз мумкин.

Ўз навбатида тоғ қишлоқлари тоғ дарёсидан оқиб келаётган сой ён бағирида жойлаштирилган. 1) Тоғ қояларининг устки қисмидаги ялангликда. Бундай қишлоқлар сирасига Деҳан Бола, Вахшивор киради. 2) Тоғ ён бағрида бунга қўрғонча киради. 3) Кенг далалар оралиғидаги сой бўйидаги майдонлар, буларга Вандоб, Ўрта, Пастки ва Юқори Мачай киради.

Хулоса қилганимизда воҳа аҳли уй-жой қурилишида асрлар оша келаётган анъаналарини унутмаган ҳолда уни бойитиб борган.

Зараутсой тасвирлари аждодларимизнинг меъморий маънавиятининг мезонидир

Инсоният бугунги тараққиёт учун узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтган. Ҳозирги кундаги маънавият ва маданият, фан ва санъат, жамият ва давлат ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Ҳар қандай фан ва турмуш ютуғи учун юзлаб, минглаб йиллар керак бўлган. Ёш авлод бу машаққатли йўлни унутмасдан уни кадамма - кадам ўрганмоғи ва аждодлардан қолган маънавий ва моддий бойликларни кўз қорачиғидай асрамоғи зарур. Дунё тамаддунининг ажралмас қисми бўлган Марказий Осиёда кўплаб осори-атикалар учрайди. Мустақиллик шарофати билан ота-боболаримизнинг ҳаёти, фаолияти, урф-одатлари, ўй-кечинмалари, фан ва санъат учун муҳим бўлган маданий ва маънавий меросимиз дурдоналарини илмий жиҳатдан ўрганишга йўл очилди. Уларни асраб-авайлаб келажак авлодга тус-тугал етказиб бериш зарурлиги англаб етилди. Бу мерослар ёшларнинг ватанпарварлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик, бадий -эстетик тарбиясида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Сурхондарё воҳаси ҳудудидан топилган тасвирий санъатга оид энг қадимги макон – Зараутсойдир. Нафақат тасвирий санъат, балки бу суратлар миллатнинг маънавий бойлиги, қимматбаҳо археологик, тарихий ва санъат ёдгорлиги ҳисобланиб, қадриятга айланган меросдир. Қоя тошларга чизилган бу ибтидоий суратларда одамлар, ҳайвонлар, яъни ҳўкиз (буқа), тоғ эчкиси, жайрон, ит ва бошқа ҳайвонлар ҳамда ўқ ва ёй тасвирланган бўлиб, асосан ов саҳнаси тасвирланган. Расмларнинг бирида одамлар қушларга ўхшаш ниқоб кийишганлар. Бу тасвир ҳақида олимлар турлича фикр юритганлар. Улардан бири у шу жойларда кўп учрайдиган тувалоқ қуш шаклига кирган ҳолда ҳайвонларга яқинлашаётган одам деса, бошқа бири ёввойи ҳайвонларни қўрқитиш учун овга махсус кийимлар билан кирган, деган ғояни билдирган.

Нима бўлганда ҳам қадим ўтмишдошлар кийинишни ёки ниқобни, ов қилиш услубларини яхши билган экан. Демак, уларда онг, тасаввур ва тафаккур

шакллана бошлаган ёки шаклланган. Бу тасвирларни тўлиқ ўрганиш учун А.А. Формозов тўртта масалани ечишни, яъни **биринчидан**, ёдгорлик ёшини аниқлаш; **иккинчидан**, суратларни яратиш техникасини билиб олиш; **учинчидан**, санъат асари сифатида баҳолаш; **тўртинчидан**, унинг тагидаги яширин маъносини англаш лозим, деб таъкидлайди. Бу тасвирлар нима мақсадда чизилган, унинг тагида қандай маъно ва мазмун, қандай ғоя ва тасаввур ётган деган савол туғилиши табиий ҳол. Тасвирни ўрганган кўплаб мутахассислар олиб борган тадқиқот ва изланишлар натижасида қоя тошлардаги суратлар ва ифода этилган манзаралар қандайдир сеҳрли маънони билдиради, улар негизида ибтидоий ва қадимги давр одамларининг кундалик турмуши, диний эътиқоди билан боғлиқ бўлган тасаввурлар ётади деган фикр келиб чиққан.

Ибтидоий одамлар табиат кучлари олдида ўзларини ожиз ҳис қилганлар. Бундай ҳолат тотемизм динининг шаклланишига олиб келган, бу динда жамоанинг бошланиши бирор ҳайвон деб тасаввур қилинади, яъни тотем ҳисобланади. Зараутсойлик аجدодларимиз учун ҳўкиз тотем бўлиб ҳисобланган бўлса керак.

Расмлар кўпчилик назаридан узоқда ва овлоқ жойда бўлгани учун ибтидоий одамларнинг муқаддас даргоҳи бўлган, улар қоялар ёнида ибодат қилиб ирим-сиримлар ўтказган деган тахминлар ҳам учрайди. Диний удумлар ўтказган бўлса, демак уларга бу қоятошдаги расмлар қандайдир маънавий қувват ва маънавий озуқа бўлиб хизмат қилган бўлиши мумкин. Ирим-сиримлардан бири қояларга расм чизиш бўлса, улар бу орқали қандайдир илоҳий тасаввур ва илоҳий кучга эга бўлиш мумкин деб ҳисоблашган.

Ж. Кабиров «ибтидоий аجدодлар қоятошдаги расмлар ҳар хил бало қазолардан асраши, одамларга бахт келтиришига умид қилганлар» деган фикрни билдиради. В. Ф. Зыбковес эса «тош асри санъатининг намуналарини диний тушунчалар ва сеҳргарликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Улар ёшларга таълим ва тарбия берадиган марказлардир. Расмлар эса ибтидоий давр ёшларига таълим -тарбия бериш, улар билан амалий машғулот олиб бориш

мақсадида ишланган» деб мулоҳаза юритган. Юқорида айтилган фикрлардан қайси бирига мансуб бўлишидан қатъий назар бу сураатлар Марказий Осиёда санъат тараққиётининг ўзига хос илк босқичи ҳисобланади.

Тасвирий санъат инсонларнинг меҳнат фаолияти, эътиқодлари ва диний қарашлари замирида пайдо бўлади. Зараутсойдаги қоя тасвирлари ибтидоий одамларнинг меҳнат фаолияти, яъни овчилик, ибтидоий эътиқодлари ва диний қарашлари замирида пайдо бўлган, содда ва оддий кўринишлар деб айтишимиз мумкин. Расмлар ибтидоий одамларнинг оламни билишдаги ижтимоий онгини шакллантиришда, уларнинг орзу-умидларини ифодалашда ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Ибтидоий давр расми овчининг бутун руҳий-маънавий кучларини табиат қонунларини билиб олишга қаратган. Ахир овчи мансуб бўлган жамоанинг ҳаёти ва фаровонлиги ҳам шунга боғлиқ бўлган. Рассом овчиларнинг ҳамкорликда ов қилаётганликларини тасвирлаб, ҳамкорлик қобилиятининг, бирдамлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланганлигини кўрсатиб беради. Ҳайвонлар хавфи ва кучли қаршилиги ҳамкорлик қобилиятини фаоллаштириб юборади. Унда овчи ҳиссиётларини жиловлаб жамоадаги уйғунликка боғланади.

Биз юқорида таҳлил қилган Зараутсой сураатлари ҳам муаллифнинг машаққатли, аммо шарафли ижодининг маҳсули десак муболаға бўлмайди. Бу тасвирлар орқали рассом қавмини бирлаштириш ва янги марралар сари интилишга, шунингдек меҳнатсеварлик, изланувчанлик, фаоллик, жамоавийлик каби тамойилларни уларда уйғотишга ҳаракат қилгани таъбир жоиз бўлса муболаға эмас. Зеро Ислон Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, «... Агарки ҳар қайси ижодкор ўз асарларида ана шу ўлмас ғояларни бош мақсад қилиб қўйса, уларни бадиий маҳорат билан ифода эта олса, ҳеч шубҳасиз адабиёт ҳам, маданият ва санъат ҳам том маънода маънавий юксаклишига хизмат қилиб, ўзининг ижтимоий вазифасини тўлиқ адо этишга эришган бўлади».

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак, Зараутсой сураатлари ўзининг бетакрорлиги ва бадиий табиати билан инсон қалбига

эмоционал таъсир кўрсата олади, унинг рухий дунёсига чуқур кириб бориб, шу орқали, маънавий дунёсини бойитиш хусусиятига эгадир. Албатта, бу даражада юксак санъатнинг ўша тарихий даврда вужудга келиши бизга бевосита ўша даврнинг маънавий салоҳият даражасини тараққий этганлигини англатади.

Ҳеч қачон халқимизнинг фанга, санъатга қизиқишлари, интилишлари тўхтаб қолмаган. Бунга Сополлитепа ва Жарқўтон манзилгоҳларидаги хунармандчилик, Бактриядаги зеб-зийнат буюмлари, Юнон-Бактрия ва Кушон ёдгорликларининг юксак санъатидаги хайкалторошлик, Афросиёбдаги деворий суратлар, Сомонийлар, Хоразимшоҳлар ва Темурийлар давридаги маданий ҳаёт ҳамда кейинги давр илм-фан ва санъат ютуғлари мисол бўла олади.

Мустақиллик йилларида барча соҳалар каби маънавият ва санъатга ҳам кенг эътибор берилмоқда. Бунинг самараси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкентдаги Ўзбекистон тасвирий санъати галереяси барпо этилиб, 2004-йил август ойида очилди.

Мамлакатимиздаги маънавий ва маданий мерослар одамларни тарбиялашга, илҳомлантиришга, маънавий комилликка, баркамолликка етказиш учун хизмат қилишига аминмиз.

Сурхон воҳасида меъморий обидаларнинг дунёвий ва илмий асосларига таянч бўлган алломалар

Миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъана ва маросимларимизни ўрганишда халқимиз яратган маънавий-ахлоқий мерос алоҳида аҳамиятга эгадир. Айниқса, инсон шахси уни амалга оширган ижобий ишлари билан боғлиқ манбаларни ўрганиш, дунёвий ва диний илмларга қўшган ҳиссаси ҳақида фикрларга эга бўлиш, буюк шахсларнинг жамият, инсоният тафаккури тараққиётидаги фаолиятини тарғиб қилиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидандир. Илмий салоҳият, диний билимларни тарғиб этган инсонлар номи билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни акс эттирувчи муқаддас зиёратгоҳлар, унда дафн этилган шахсларнинг илоҳий қудратини мукаммал ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар

олиб бориш туфайли халқимиз маънавиятини янада бойитиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ислом дини кириб келгунига қадар Марказий Осиёда кўплаб қадимий динлар ва диний қарашлар бўлган. Бу минтақа динлари қаторида тотемизм, анимизм каби ибтидоий дин кўринишлари, кейинги даврда зардуштийлик, буддизм, маздакизм каби эътиқодлар бўлганлиги археологик манбалар асосида исботланган²⁶. Ўлкага ислом дини кириб келгандан сўнг баъзи қадимий урф-одатлар аста-секин бу дин билан уйғунлашиб, исломий тус олди. Ана шундай анъана ва урф-одатлардан бири муқаддас зиёратгоҳларда дафн этилган шахсларнинг тарихини ўрганиш ва уларнинг оилалари билан боғлиқ бўлган тарихий воқеа-ҳодисаларни илмий таҳлил этиш муҳим долзарб вазифадир. Чунки муқаддас жойларга дафн этилганларнинг кўпчилиги Сурхон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида ўзига хос мавқега эга бўлган, дунёвий ва диний билимларни ривожланишига ҳар томонлама муносиб ҳисса қўшган, халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлган шахслардир. Ушбу тарихий шахслар яратган дунёвий ва диний илмлар асрлар оша барҳаёт бўлиб, халқимизнинг маънавий-маърифий ҳаёти ривожига аҳамияти ҳамда маданиятимизнинг жаҳон цивилизацияси тарихига қўшган ҳиссаси билан ажралиб туради.

Ҳаким Ат-Термизий архитектура иншооти асрлар давомида қурилган мақбара ҳисобланади. Бу ёдгорлик Кўҳна Термиз қалъасининг шимоли-ғарбий бурчаги яқинида IX асрнинг йирик суфий олими «Ҳакимия» тариқатининг асосчиси Абу Абдуллоҳ, Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн, Ал Ҳаким Ат-Термизий қабри устида қурилган.

В.В.Бартольд ва А.А.Семёновлар қабр тошида ёзилган санани ҳижрий 255 йил яъни, мил. 869 йил шайхнинг вафот этган йили деб ўқидилар. Аммо тарихий манбаларда бу сана ҳижрий 285 йил, мил. 898 йил деб кўрсатилган.

В.В.Бартольд қабр тошидаги ёзувни шундай таржима қилган. Унинг номига ҳамду санолар бўлсин. Бу ерда шайх, имом Абу Абдуллоҳ, Алининг

²⁶ Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир: Ш.А. Ёвқочев. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006. – Б. 19–54.

ўғли Ал-Ҳаким Ат-Термизий дафн этилган жой, Оллоҳ, уни раҳматига олсин. У шайхларнинг буюги, нотик, ва машҳур китоблар муаллифи, фикҳ илмининг билимдони 255 йилда вафот эди. Худо раҳмат қилсин,-деган ёзувлар бор. Бой қирқма безакли мақбара эпиграфик безаклар Моварауннахр ҳукмдори Абул-Музаффар Аҳмад Тегин номи ва ёрлиғи билан боғлиқ. М.Е.Массон уни Аҳмад ибн Хизр деб ҳисоблайди.

IX асрда мақбаранинг шимоли-ғарбий томонида айвонли масжид қурилади, XIII асрнинг бошларида унинг ховличаси шаклланади. XIV асрнинг охирида ҳижрий 792-(1389-1390йй.)да мақбаранинг шарқий томонидан чиллахона қурилган. Унинг қурилиш даври Б.Д.Кочнев ва Э.В.Ратвеладзе томонидан аниқланган. XV асрда эса мақбарага хонақо қурилиши қўшилади.

1955-1956 йилларда мақбара реставрация қилиниб архитектор В.Филимонов қурилишга уўгартиришлар киритиб юборган. Мақбара 5,10x4,70м. кўламда бўлса, ёдгорликнинг умумий ҳажми 28x29 метрга тенг.

Ҳаким Ат-Термизий мақбараси ҳақида биринчи ўлчовлар ва архитектура иншооти ҳақидаги маълумотлар 1926-1927 йилларда Москва Шарқ маданиятлари музейи ходимлари Б.П.Денике ва Б.Н.Засыпкин томонидан берилди. 1936 йилда М.Е.Массон бошчилигида (ТАКЭ) экспедиция мақбарага тақаб қурилган масжид ва бошқа иншоатлар ҳақида маълумотлар беради. 1938 йилда Г.А.Пугаченкова, 1947 йилда В.П.Петров мақбаранинг ўлчовларини олди. 1955 йил ёдгорликни тиклаш мақсадида архитекторлар В.И.Филимонов ва К.А.Шахуринлар ишноот тузилишига ўзгартиришлар киритган. 1956 йилда улар аҳамиятсиз деб, қулаш арафасида турган қалъа томондаги сунгги даврга оид хоналарни олиб ташлаган. (Аршавская А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А. Средневековые памятники Сурхандаръи. Т., 1982.с108.) Бу ҳужжатлар ГУОП архивида сақланади. Бундан ташқари мақбарага қириладиган ҳозирда бош пештоқ деб ҳисобланадиган йўлак ўрнида ҳеч қандай эшик бўлмаган. 2006 йил ёзги мавсумда Термиз давлат университетида илмий тадқиқотчилари томонидан мақбара атрофида олиб борилган изланишлар даврида иншоотнинг шимолий ва ғарбий томонида эни 10 метр узунлиги 57 метр майдон очиб

тозаланди. Шимолий томонда макбаранинг асоси 1,72 м чуқурликда аниқланди. Ҳаким Ат-Термизий макбараси қумтош қатлам устида барпо этилган бўлиб, унинг атрофида қатор қабрлар қўйилан. Қабрлар қаттиқ қумтош қатлами орасига ўйма тарзда жойлаштирилган. Қабрлар сўнгги ўрта асрларга оид бўлиб, уларнинг қатлампидан XVI-XVIII асрларга оид сопол идишлар топилди: Қабрларда мусулмон дафн маросимида кўра, майитларнинг бош томони шимоли-ғарб томонга бурилиб қўйилганлиги аниқланди. Қабрлар қаттиқ материкка қўйилганлиги учун чуқур қазилмаган. Уларнинг чуқурлиги 90см.эни 65-70см, узунлиги 1,60-1,90м.гача етади. Қабрлар асосан ёрма услубда бўлиб, бу анъана сифатида дафн этиш маросимларида давом этиб келмоқда. Шайх Ҳаким Ат-Термизий мазори томонга яқинлашиб боргани сари уларнинг даври қадимийлашиб боради, чунки макбаранинг жануби-ғарбий томонида шайхнинг яқинлари, шогирдлари ва издошлари дафн этилган бўлиши мумкин. Макбаранинг жанубий томонида тўрт гумбазли ва айвонли масжид булган. Бу қисмдаги иншоотлар аҳамиятсиз ҳисобланиб, ҳозирги макбаранинг қабр турган жойгача бўлган қисми бузиб ташланган. Макбаранинг шимоли-ғарбий томонларида қабр жойлашганлиги ҳамда мусулмон урф-одатларига кўра, муқаддас мазорларга пойгадан кириш ёки Термиз ҳукмдорлари қароргоҳи макбаранинг жанубий томонидан жойлашганлигини ҳисобга олиб, иншоотнинг асосий кириш йулаги жанубий томонда жойлашган деб ҳулоса чиқариш мумкин. Чунки аввал макбаранинг шимолий эшиги бўлмаган.

Ҳулоса қилиб айтганда, ўрта асрларнинг таниқли ислом назариётчиси, файласуф Ҳаким Ат-Термизий макбараси нафақат турли даврларда қурилди, балки унинг қурилиш структурасига йирик ўзгаришлар ҳам киритилди. Мустақиллик шарофати билан у ўз ҳолига қайтарилмоқда.

Воҳада уларнинг қабрлари жойлашган макбаралар муқаддас зиёратгоҳга айланиб, ушбу буюк сиймолар билан биргаликда саҳоба-ю авлиёларни ҳам тарихини ўрганиш ва муқаддас қадамжоларни обод қилиш давлатимизнинг асосий негизини ташкил этмоқда. Буюк саҳоба ва авлиёлардан Саъд ибн Аббас, Абдураҳмон ибн Авф, Абу Ҳурайра, Ахтам саҳоба, Ҳўжа Рўшнойи,

Хўжа Ҳасан Илғорий, Ҳазрат Султон Валий, Алоуддин Аттор, Сўфи Оллоёр ва бошқаларнинг қадами теккан жойлар муқаддас зиёратгоҳга айлантирилмоқда. Маҳаллий аҳоли қадамжоларда хоки ётган кишилар ҳақида мустақиллик йилларида маълум маънода тарихий манбаларга эга бўлиб, халқ орасида мавжуд бўлган ривоятларда саҳоба-ю авлиёларнинг ҳаёт йўллари ҳақидаги маълумотлар қайта текширилиб, аниқлик киритиб маҳаллий халққа холисона ҳаққоний тарихий маълумотлар тақдим этилмоқда.

Сурхондарё вилоятидаги энг йирик зиёратгоҳлардан бири ал-Ҳаким ат-Термизий исми билан боғлиқ. Олимнинг тўлиқ исми – Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Бишрдир (ваф. 869). Уни нафақат зоҳирий, шу билан бирга ботиний илмларни чуқур эгаллаган уламолардан бўлганлиги учун «ал-Ҳаким»²⁷, термизлик бўлганликлари учун «ат-Термизий» лақаб отларини олган. У киши машҳур муҳаддис ва тасаввуф шайхларидан бўлиб, IX–X асрларда яшаб ўтган. Аллома 25 ёшгача Мовароуннаҳр шаҳарларида таълим олиб, 27 ёшида Маккага Ҳаж амалини ўташ учун йўлга чиқади. Йўлда ҳадис илми ривожланган Куфа, Бағдод ва Басра шаҳарларида бўлиб, балхлик Сўфий Аҳмад ибн Хизравия ва Осим ал-Антокийнинг шеърлари билан танишади. Унинг тақво ва рақоик ҳақидаги асаридан ал-Ҳаким ат-Термизий қаттиқ таъсирланган. У бир қанча Сўфийлар, хусусан, Абу Туроб ан-Нахшабий (ваф. 861 йил), Яҳё ибн Жалло ва Аҳмад ибн Хизравия (ваф. 855 йил)ларнинг қўлида таълим олган²⁸. У Шом, Бағдод, Миср мутасаввиф олимлари билан ҳам мулоқотда бўлиб, илк сўфийлик ҳаракати, зоҳидлик ва орифлик ғоялари кучайган Макка, Мадина, Миср, Бағдод, Басра, Куфа, Ҳамадон, Нишопур каби ислом дунёсининг марказий шаҳарларида тасаввуф ғоялари тарқалган, шаклланган даврда яшаган. У жаҳон классик тасаввуф илми бобокалонлари Зуннун ал-Мисрий (Зуннуния тариқати асосчиси), Боязид ал-Бистомий (Тайфурия тариқати асосчиси), Жунайд ал-Бағдодий (Жунайдия тариқатининг асосчиси), Абу Мансур ал-Халлож кабиларнинг тариқатларини

²⁷ Қаранг: Усмонов И. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари – ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба: Тар. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – Б. 14.

²⁸ Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм: краткая история / Пер. с англ. М.Г. Романова. – Санкт-Петербург: ДИЛЯ, 2004. – С. 118.

ўрганган, мақомоту маноқибларни таҳлил қилган. Ал-Ҳаким ат-Термизий Нишопурга бориб, Ҳакимия тариқатига асос солган. Ҳакимиянинг мақомотлари, низомлари, пир ва муридларга қўйиладиган талаблар, зикр ва ибодат усулларига бағишлаб «Китоб ан-нажоҳ» («Йўл-йўриқлар китоби»), «Хатм ал-авлиё» («Валийлар муҳри»), «Иршод ат-толибин» («Толибларга йўриқнома») каби китобларни ёзган²⁹. У 400 дан ортиқ асарлар ёзган, улардан 57 таси бизгача етиб келганлиги ҳақида маълумотлар бор. Унинг «Назоир ал-Қуръон», «Наводир ал-усул», ақоидга доир «Усул ал-муваҳҳидин», «Хатм ал-вилоя», шаръий масалаларга оид «Исбот ал-‘илал аш-шар‘ийя», «Ғафр ал-умур», «Китоб ал-маноҳи», «Китоб шарҳ ас-салот», «Наврўз-нома», «Сол-нома» каби асарлари машҳурдир³⁰.

Ал-Ҳаким ат-Термизий Термизга қайтгач, Жайхуннинг Балх шаҳри ва Пайғамбар ороли кўриниб турадиган энг баланд қирлик хушманзара ва баҳаво қирғоғидан жой танлаб, масжид ва хонақоҳ қурдирган. Бу мақбара Эски Термизда, Амударё қирғоғида қад кўтариб, мақбарада аҳли илм тарафдорлари тўпланишар, вафотидан кейин шу хонақоҳда ал-Ҳаким ат-Термизий дафн этилган.

Ривоят қилинишича, хўжандлик шайх Абдуллоҳ пир таълимига зору муштоқ бўлиб юрганида, руҳан ал-Ҳаким ат-Термизий марқад (мақбара) ларига келиб қолади ва ал-Ҳаким ат-Термизий пайдо бўлиб, «Мақсадинг 12 йилдан кейин Бухорода – Қутб ал-авлиё Баҳоуддин Нақшбанд қошида ҳозир бўлади», деб каромат қилади ва бу амалга ошади³¹.

Сурхон воҳаси зиёратгоҳларида мадфун кишилар улуғлари қаторида, шубҳасиз, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийни атамоғимиз лозим. Унинг тўлиқ исми – Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн ад-Даҳҳоқ ас-Суламий ал-Бугий ат-Термизий. У ҳижрий 209 (мил. 824) йилда Термизнинг Буғ қишлоғида таваллуд топган³².

²⁹ Омонтурдиев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти. – Т.: Университет, 2000. – Б. 40.

³⁰ Ҳ.Кароматов ва бошқалар таҳрири остида Буюк алломаларимиз. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – Б. 13.

³¹ Омонтурдиев Ж. Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти. – Т.: Университет, 2000. – Б. 87.

³² Абу Исо Муҳаммад Термизий. Сунани Термизий (ҳадис тўплами) / Тарж.: Мирзо Кенжабек. – Т.: Адолат,

Абу Исо ат-Термизий ёшлигидан зийрак, ақл-идрокли бўлиб, аввал Термизда, кейин Бухорода таълим олган. Талабалик йилларидан унда ислом илоҳиётига, ҳадиснависликка сидқидилдан эътиқоди кучаяди. Абу Исо ат-Термизий ислом илоҳиёти ва ҳадиснависилиги билан бирга, Макка, Мадина, Ироқ, Хуросон, Дамашқ каби шаҳарларда бўлганида илм ал-кироат, ал-баён, фикҳ, тарих, фалакиёт каби фанларни мунтазам ўрганиб, йирик қомусий олим сифатида машҳур бўлади³³.

Абу Исо ат-Термизий Имом ал-Бухорийнинг шогирди бўлиб³⁴, шу билан бирга, Қутайба ибн Саид ал-Бағдодий, Али ибн Ҳажар, ал-Марвазий, Ҳаннод ибн Сиррий ал-Куфий, Абу Курайб Муҳаммад ибн Мусо ал-Басрий, Абдуллох ибн Абдуррахмон ад-Доримий ас-Самарқандий³⁵ ва бошқа кўплаб Ироқ ва Ҳижоз машойихларидан таълим олган. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Саҳл ал-Ғаззол, Бакр ибн Муҳаммад ад-Дехқон, Абу Назр ар-Рашодий, Ҳаммод ибн Шокир, ан-Насафий, Абу-л-‘Аббос ал-Маҳбубий, ал-Марвазий ва Ҳайсам ибн Кулайб аш-Шошийлар ҳадис илмини ўрганиб, у кишига шогирд тушганлар³⁶.

Имом ат-Термизий, Ибн Амирнинг айтишича, Термиздан олти фарсах (48 км) узоқликда жойлашган Буғ деган (ҳозирги Шеробод шаҳридан 6 км шарқда жойлашган) қишлоқда ҳижрий 279 йил 13 ражаб/милодий 892 йил 8 октябрда душанба куни вафот этганлар³⁷.

Ривоят қилинишича, Буғ қишлоғи ҳудуди қадимда тўқайзор бўлиб, у ерда шерлар, йўлбарслар яшаб, улар ҳар жума саҳарда Имом Термизий қабрини зиёрат қилиб кетар экан. Шер, йўлбарсларнинг изларини одамлар ҳар жума куни кўрар эканлар. Эрта тонгда одамлар мақбара ёнидан ўтаётганларида, Қуръон тиловатини эшитиб, бу тиловат қилаётган Абу Исо ат-Термизийнинг

1999. – Б. 12; Уватов У. Икки буюк донишманд. – Т.: Шарқ, 2005. – 78 б.

³³ Турсунов С. Термизий буюк сиймолар. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 20.

³⁴ Қаранг: Уватов У. Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий): Тар. фан. док. ... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – 44 б.

³⁵ Қаранг: Алимова М. Имом ад-Доримийнинг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси: Тар. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – 27 б.

³⁶ Абду-л-Карим ас-Самъоний. Ал-Ансоб (Насабнома) / Тарж.: Абдул-Ғофир Раззоқ, Комилжон Раҳимов. – Бухоро, 2002. – Б. 64.

³⁷ Асомиддин Темурий, Жўраев Нормурод. Термизлик буюк сиймолар. – Т.: Абу Али ибн Сино нашриёти, 2001. – Б. 18.

ўзлари эканлигини қалбан сезишган. Пок кишилар зиёратга келса, у кишининг руҳлари кўринар экан³⁸. Йиртқич ҳайвонларнинг зиёратгоҳларга келиб туриш ҳикояти кўчиб юрувчи сюжетлар қаторига кириб, авлиёнинг мавқеини зиёратчилар назарида кўтаришга хизмат қилади.

Марказий Осиёда пайғамбарлар култи кенг тарқалган. Масалан, Термиз шаҳри яқинидаги Пайғамбар оролининг жанубий қисмида жойлашган Зу-л-Кифл зиёратгоҳида, маҳаллий халқ орасидаги ривоятларга кўра, пайғамбар Зу-л-Кифл дафн этилган. Маҳмуд ибн Валийнинг «Баҳр ал-асрор» асарида оролга асли миллати турк бўлган машҳур ислом лашкарбошиси Исҳоқ ибн Кунтожнинг (ваф. 992 й.) жасади қўйилгани ҳақида маълумот ҳам берилади³⁹.

Зу-л-Кифл номи Қуръони каримда келтирилган бўлиб, унга кўра «Исмоил, Идрис ва Зу-л-Кифлни эсланг! Барчалари сабр қилувчилардандир. Биз уларни ўз раҳматимизга дохил қилдик, дарҳақиқат, улар солиҳ зотлардандир»⁴⁰, дейилади. «Яна Исмоил, ал-Ясаъ ва Зу-л-Кифлни эсланг! Барчалари яхши кишилардандир»⁴¹, деб айтилган.

Ибн Касирнинг айтишича, мазкур ояти карималарнинг зоҳирий маъносига биноан Зу-л-Кифл улуғ пайғамбарлар қаторида зикр этилган. Ўзлари ҳам пайғамбар эканликларига далолат қилади. Аммо Зу-л-Кифл қайси қавмга юборилгани ягона маълумот йўқ⁴². Ривоятга кўра, румликларнинг Зу-л-Кифлга эргашганликлари нақл этилади. Бу қавм Зу-л-Кифлдан ўзларининг узоқ умр кўришликларини Аллоҳдан сўрашини илтимос қилишган. Аллоҳ Зу-л-Кифлнинг дуосини қабул этиб, «Улар ўзлари хоҳлаганларича ўлмаслар. Бунга сен ҳам кафил бўлгин», деган ваҳий келади. Бишр ўз қавмига бу башоратни етказди. Илоҳий ваҳийга ўзи кафил бўлади. Шу сабабдан ҳам уни Зу-л-Кифл деб аташ бошлаганлар⁴³.

³⁸ Бобомуродов Аҳмад. 1952 йилда туғилган, маҳаллий аҳоли вакили. – 2005 йил, август. – Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Буг кишлоғи.

³⁹ Холмирзаев А. Сурхондарёнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Б. 25.

⁴⁰ Қуръони карим, 21: 85–86.

⁴¹ Ўша ерда: 38: 48.

⁴² «Афиф» Абд ал-Фаттох Таббора. Маъ ал-анбийо фи-л-Қуръон ал-карим. – Лубнон. – Б. 214.

⁴³ Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б. 96.

Жаҳон цивилизация тараққиётида юксак моддий ва маънавий маданиятга эга бўлган Ўзбекистон ҳудуди инсониятнинг илк аجدодлари яшаган манзилгоҳлар, тасвирий санъатни шаклланишига ҳисса қўшган ҳамда сунъий деҳқончилик ҳамда ҳунармандчилик тараққиётига асос солган маданий марказ сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўтмиш аجدодларимиз асос солган моддий ва маънавий маданият масканларини ҳамда халқимизнинг маънавий ҳаёти юксалишида муносиб ҳисса қўшган авлод-аждодларимиз тарихини ўрганиш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов "... биз ота-боболаримиз хоки ётган бу юрт, бу муқаддас замин – бизники, унинг бугуни ва истикболи фақат ўзимизга боғлиқ, ...юртда яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини англаб, улуғлаб, уларнинг шу борадаги ибратли анъаналарини янги босқичда давом эттиришимиз керак", деган ибратли фикрлари бугунги илм аҳли учун муҳим асосий йўналиш бўлиб ҳисобланади⁴⁴. Халқимизнинг қадимги турмуш тарзи ва маданияти юксалишида дунёвий ва диний билимларни ўрганишнинг аҳамияти каттадир. Минтақага ислом дини кириб келгач, маҳаллий анъаналар исломий маданият билан уйғунлашиб, илм-фан, савдо-сотиқ, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида ижобий натижаларга эришилди.

Аждодларимиз сифатли ва чидамли қурилиш материалларидан моҳирона фойдаланганлиги учун қадимий қадамжолар неча-неча асрлардан буён савлат тўкиб турибди. Муқаддас қадамжоларни қуришда ганч муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Ганч икки хил сунъий ва табиий бўлади. Табиий ганч катта харсанг ҳолида учрайди, уни ўйиб, йўнаб, сайқаллаб, устун, ҳайкал ва бошқа хил безаклар ясалади. Сунъий ганч эса аввал махсус печда қиздирилиб, кейин майдалаб тайёрланади.

Қадимдан ганч тайёрловчи усталар-ганчкорлар табиий ганч тошларини хумдонда 120–150 даражали ҳароратда 6–7 соат қиздириб, кейин туни билан совитиб қўйишган. Эрта билан совутилган бу тошлар тўқмоқ ёрдамида майдаланиб, ғалвир ёки элакдан ўтказилган. Энг майин, донадор ганч гул ганч

⁴⁴ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 15.

(улар гул ўйиш учун ишлатилган) деб аталган. Ганч нечоғли майин бўлса, ўйма нақш шунчалик нафис ва гўзал кўринади. Майин ганч нафис ўймакорликда пардоз сувоқ учун ишлатилса, йириги ҳар хил сувоқ ва ғишт теришда асқотади.

Ганч ўрнида баъзан алебастр ҳам ишлатилади, у сувоқ, ғишт теришда, баъзи ҳолларда эса гул ганч ўрнида ҳам қўлланилади. Ганч ўймакорлиги билан шуғулланувчи ганчкор усталар ганчнинг қувватини, унинг қай даража ҳароратда қиздирилгани, шунингдек, унинг тез ёки секин қотишига кўра аниқлайдилар. Ҳақиқий уста ганчни кўлига олиб сиқимлаганида унинг эски ёки янгилиги, қуввати яхши ёки ёмонлигини айтиб беради. Одатда ганч қувватини аниқлаш учун уни озгина қориб, ўйиб кўрилади. Ганчнинг ўзига хос сирли хусусиятлари шундаки, ундан моҳирона, омилкорлик билан фойдаланишни тақазо қилади. Зеро, ганч қоришнинг нозик жиҳатлари бор. Қадимги усталар ганчни сирли лаганда қоришган, ҳозир пластмасса идишлар кўл келяпти.

IX–X асрларда Сурхон воҳасида меъморчиликнинг янада ривожланиши туфайли турли йўналишда қурилиш ишлари амалга оширилиб, ушбу ҳолат муқаддас қадамжолар, масжид-мадрасалар қурилишида яққол намоён бўлди. Бу даврда Термиз ва Чағаниёнда ҳам ўзига хос меъморчилик намуналари бунёд этилиб, масжид бинолари ёнида ҳашаматли ва улуғвор минора ва хонақоҳ, уламо-ю авлиёларнинг мазорлари устига мақбаралар қурилиб, зиёратгоҳга келувчиларнинг сонига қараб уларни сажда қилиши, дам олиши, тиловат қилиши учун махсус бинолар ҳам барпо этила бошланди.

IX асргача муқаддас қадамжолар лой ва хом ғишtdан қурилган бўлса, энди пишиқ ғишт ишлатилмоқда. Аҳоли орасида ҳозиргача мусулмон ғишт деб юритиладиган ушбу қурилиш ашёси сариқ лойдан тайёрланиб, махсус хумдонларда пиширилган.

Сомонийлар (875-999), Қорахонийлар (999-1212), Ғазнавийлар ва Салжуқийлар (XI–XII асрлар) даврида Чағаниён ва Термиздаги муқаддас қадамжолар ўзига хос хом ва пишиқ ғишtdан меъморий услубда қурилган янги обидалар бунёд этилган. Мазкур сулолалар даврида қадим Сурхон воҳасида ўзига хос маданият ва меъморчилик ривожланиб, шарқона меъморий услубда

муқаддас кадамжоларга бағишлаб қурилган архитектура ёдгорликлари ҳозирги кунгача сақланиб қолган бўлиб, ҳалигача ўз тароватини йўқотмаган.

Асрлар давомида Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг турли вилоятларидан ўзига кўплаб зиёратчиларни жалб этиб келган энг йирик зиёратгоҳлардан бири – ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасидир. Термиз тумани – Эски Термиз ҳудудида жойлашган бу мақбара 1091–1095-йилларда Мовароуннаҳрдаги Қорахоний сулоласи ҳукмдори Аҳмад ибн Хизрнинг кўрсатмасига мувофиқ ал-Ҳаким ат-Термизий қабри устига бунёд этилган⁴⁵.

Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси IX асрда шаклланган қадимий меъморилик ёдгорлиги бўлиб, у турли даврда қурилган ягона бир бутун меъморий обидани ташкил этган. Мақбара XI–XIV асрлардаги Эски Термиз қалъасининг шимоли-ғарбида барпо этилган иморатлар мажмуасидан иборат. X–XI асрларда ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси шимолида уч гумбазли айвон, унинг ғарбий деворида пишиқ ғишт билан қопланган меҳробдан иборат дуо-таъзия масжиди қурилган. Мақбара сатҳи масжид еридан 1,5 метр баландликда жойлашган бўлиб, бир неча марта таъмирланган⁴⁶.

Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасининг асосий қисми Амир Темур даврида 1390 йилнинг август-сентябрида қуриб битказилган⁴⁷. XV асрнинг бошларида Амир Темурнинг невараси Халил Султон (1405–1409) Термиз устидан ҳукмронлик қилган даврда мақбаранинг шимоли-шарқий қисмида ҳашаматли хонақоҳ қурдирган. Бу олдинги биноларга нисбатан бошқача кўринишда бўлган. Баланд залдан иборат бўлган бу хонақоҳ дарвешларнинг ётоқхонаси бўлмай, балки тасаввуф аҳлининг маърифатхонаси бўлган. Амир Темурнинг ўғли Шохруҳ замонида ал-Ҳаким ат-Термизий мазори устида оқ мармарли муҳташам даҳма сағана ўрнатилиб, мақбара қурилган⁴⁸, қабртош юзасига ниҳоятда гўзал ва нафис ёзувлар битилган бўлиб, унда ат-Термизийнинг ҳаёти

⁴⁵ Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазоев Б. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 58.

⁴⁶ Ўзбекистон Мусулмонлари идораси маълумотномаси. – Тошкент. – Баённома № 2. – 2004 йил, март.

⁴⁷ Мирзо Ж. Термиз тарихи. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 62.

⁴⁸ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом. Ж. 2. – Т.: Фан, 1969. – Б. 310.

ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар учрайди. Қабртош темурийлар давридаги тош кесиш, ўймакорлик ва нозик меъморчилик санъатидан далолат беради.

Илк давлатчилик даврида Сурхон воҳасидаги бадий ва амалий санъат

Эрамиздан аввалги 329 йилда Бактрия ва суғд ерларига хужум қилди аммо турон замин халқларининг осонликча таслим бўлмаслигини англагач бактриянинг бош шаҳри Бактрияда қурултой ўтказиб саркардалари билан Бактрия ва Суғдни эгаллашни қулай режасини тузди. Юнон тарихчиси Арриан хабарига кўра юнонларга қарши кўтарилган қўзғолонларнинг биринчи босқичида исқандар суғдийларни енгиб, 120 минг кишини қатл этирди иккинчи босқичида бактрияликлар қўзғолонни бостириб чойларда ўз армиясини ҳимоя қили ва янги юришларни таянчи бўлган қалъалар барпо этди. Қўзғолоннинг учинчи босқичида олиб бўлмас қалъаларга яширинган бактрлар ва суғдийлар хийла билан асир олинган (древный авторы средний Азий 1940 стр 48).

Александр Македонский юришлари арафасида шимолий Бактриядан икки вилоят яъни Паретекана ва Бувакена вилоятлари мавжуд бўлган. Австриялик йирик шарқшунос олим В. Томашик Паретеканани “қирғоқларини сув ювиб турган ўлка” деб таъриф берган. Археологик тадқиқотлар бу вилоят Шеробод воҳаси ва тоғ олди ҳудудларининг Амударёга туташ бўлган ҳудудларни ўз ичига олганини тасдиқлайди. Бувакена эса боботоғнинг ҳар иккала томонини ўз ичига олган.

Шимолий Ғарбий Бактрия ҳозирги Сурхондарё вилоятига тўғри келади. Александр Македонский юришлари арафасида шаҳар ва қишлоқларнинг аксарияти вайронага айлантирилди. Шеробод ва Сурхон воҳасидаги Кучуктепа, Пишактепа, Таллашқон, Бандихон Қизилтепа харобалари ўрнидаги шаҳар қишлоқларда айни шу пайтда ҳаёт излари йўқолади, ёки салавийлар ва Юнон – Бактрия подшолиги даврида янги шаҳар ва қишлоқларга асос солинган. Сурхондарёнинг ўрта оқимидаги Далварзинтепа

Ўрнидаги шаҳар кўҳна Тармита (Термиз), Ангор туманидаги Ойсаритепа, Ҳайробиотепа ўрнидаги шаҳар ва қишлоқлар шаклланган.

Сурхон воҳасининг Юнон – Бақтрия даври маданияти асосан Кўҳна Термиз, Далварзинтепа ва Кампиртепа ёдгорликларида ўтказилган археологик тадқиқотлар орқали ўрганилган.

Юнон - Бақтрия подшолиги даврида Термиз шаҳри ҳудуди 10 га тенг бўлган. Бу даврга оид қатлам қалъа қисмидан топилган бўлиб, унинг қалинлиги 2,5 метрни ташкил этади.

XX асрнинг 50 – йилларида инглиз олими В. Тарн Окс бўйидаги Александрия Термиз шаҳрига тўғри келишини тасдиқлаган. Аммо франсуз олими Тел Бернард Окс Александряси Афғонистон ҳудудидаги Ойхоним шаҳар харобасига тўғри келади деган фикрни илгари суради. Юнон Бақтрия подшолиги даврида бадий ва амалий санъатнинг турли соҳалари ривожланди. Улардан теракот ҳайкалчалар ҳайкалтарошликнинг Барелев ва Горелев услублари тараққий этди. Айниқса еллинистик дуёнинг шаҳарсозлиги қадимги шарқ архитектураси билан қоришиб маданиятда уйғунллашиш жараёни содир бўлди. Бинокорликда уйлар ёки иншоотларнинг баланд саҳналар устида кўриниши тош устунлар дори ва ионий усуллари таъсирида безатилиши айниқса уларнинг маҳалий услубда безатилиши Бақтрияда еллинистик маданиятининг ўзига хос томонларини кўрсатади. Бу даврда ҳайкалтарошлик санъат соҳаси сифатида тараққий этди. Ҳайкалчалар ишланиш услубига кўра икки гуриҳга бўлинади .Биринчидан мабуд ва санамларнинг яланғоч ҳолатда тасвирланганди. Иккинчидан бошдан ойёғигача чиройли кийимда тасвирланган. Кампиртепадан топилган мабуданинг ўнг қўлида яланғоч гўдак тасвирланган. Яна бир мабуданинг тиззасида эчки туёғли бола қиёфаси акс эттирилади.Айрим ҳайкаллар фил суягидан мрамар тошлардан йўнилган.Юнон Бақтрия подшолиги даврида бадий ва амалий санъат юксак даражада тараққий этди.1972-йил Далварзинтепадан топилган олтин буюмлар орасида 115дона санъат асари ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бу даврда

кишилар дунё қарашидаги тасаввурлар моддий маъданият намуналарида санъат асарида ўз аксини топди. Бу ҳолатни юнон бактириянинг кучли подшоларидан Дмитри забт эттирган тангалардан ҳам кузатиш мумкин. Бу тангаларда ноҳид ва артимиди тасвирлари бирга забт этилган шунингдек тангаларнинг орқа томонида юнонларнинг ғалаба худоси Никанинг қуёш худоси Митра ва Гэракилнинг бирга тасвирлангани кучли давлат сиёсатидан Ўрта Осиё ва Юнон маданияти уйғунлашуvidан дарак беради. Бу эса ўрта осийнинг еллинистик маданияти тараққийетида муҳим ўринга ега эканлигини тасдиқлайди.

ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИК КОМПЛЕКС ЭКСПЕДИЦИЯСИ

Термиз шаҳри ва атрофининг тарихий даврларини белгилаш ҳамда археологик материаллар тўплаш мақсадида Ўрта Осиёда биринчи марта ташкил этилган илмий экспедиция (1936-1938). Илмий тадқиқот ишларига М.Е. Массон раҳбарлик қилган. Экспедицияга Ўзбекистон қадимий ва санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш қўмитаси (Узкомстарис), Ленинград давлат эрмитажи, Москва динга қарши кураш Марказий музейи, Самарқанд ва Термиз тарих музейлари ходимларидан иборат бир неча гуруҳ (отряд) тузилган. А.П.Окладников раҳбарлигидаги гуруҳ Тешиктош ғоридан мустъе даврига оид боланинг скелети қолдиқларини топиб, дунё аҳамиятига молик кашфиёт қилди. Термиз шаҳрининг тарихий топографияси тузилди. Чингизтепа ва Қоратепа қадимий будда ибодатхонаси очилди; Антик давр фризлари топилди; Айритом харобасида археологик тадқиқотлар олиб борилди; Термизшоҳлар саройининг харобаларини ўрганиш ишлари кенг йўлга қўйилди. Термиз ва унинг атроф районларининг суғориш тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрта аср меъморий ёдгорликлари ҳам ўрганилди. Милоддан аввалги I аср ва милодий I асрга оид сопол буюмларнинг комплекс санъат намуналари топилди ва Кушон подшолиги тарихини ўрганишга жиддий қадам қўйилди. Ўзбекистонда биринчи марта тош идишга битилган кхарошти ҳинд ёзувининг намунаси топилди. Бу археологик

топилмалар, асосан, Ўрта Осиёда кулдорлик жамиятининг пайдо бўлиш, ривож ва тушкунликка юз тутиш давларини белгилаб беришда катта рол ўйнади. Умуман экспедициянинг фаолияти Термиз ва унинг атроф районларини ўрганиш билан чекланибгина қолмай, балки Ўрта Осиё тарихини археологик жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда даврлаштиришда илмий аҳамиятга эга.

ТЕРАКЛИСОЙ РАСМЛАРИ - Чатқол тоғ тизмаси (Тераклисой қирғоқлари)даги қоятошларга ишланган тасвирлар. Тошкент вилояти Паркент тумани ҳудудида. 1963 йилда геолог А. Агапонов ва Чатқол тоғ-ўрмон кўриқхонаси директори Т. Есиповлар топган. 1966 йилда А. Кабиров томонидан ўрганилган. Тераклисой расмлари оддий чизиклар, шакл кўриниши, соя услубида уриб-чўкичлаб ишланган: одам, архар, тоғ эчкиси, бўри, илон, ғилдирак шаклидаги қуёш, ўқ-ёй ва бошқа буюмлар тасвири бор; алоҳида якка ҳамда кўп шаклли – ов, рақс ва диний маросимлар ижроси билан боғлиқ манзаралар тасвирланган. Тераклисой расмларининг асосий қисми милoddан аввалги 1-минг йилликнинг 2-ярмида яратилган, аксарияти нафис ҳамда одам ва ҳайвонлар аъзолари бир-бирига мутаносиб қилиб ишланган. Тераклисой расмлари санъат обидаси сифатида қадимий тоғликлар ҳаёти, маданияти, эътиқоди, урф-одатлари ва бошқаларни ўрганишда қимматли манбадир.

ТЕРМИЗИЙ МЕЪМОРИЙ МАЖМУИ

Ҳаким Термизий мақбараси - Термиздаги меъморий ёдгорлик (IX-XV асрлар). Мажмуа Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ҳаким *Термизий* номи билан боғланган. Темурий меъморий мажмуи асрлар давомида бир неча бор қайта қурилган. Масжид, мақбара, хонақоҳ, қорихона каби бинолардан иборат бўлган. Дастлаб хом ғиштдан хонақоҳ (IX аср) бунёд этилиб, Ҳаким Термизий шу ерда яшаб мударрислик қилган. Бинодан кенг ҳовлининг бир қисми, қалин девор тўсиқ ва шимолий-шарқий бурчагида унча катта бўлмаган ертўласимон ҳужра сақланган. Вақтлар ўтиши билан қабр устига, хонақоҳнинг жанубий ғарбий бурчагида хом ғиштдан жанубга қаратиб мақбара бунёд этилган (IX аср). Термизий мақбараси халқ орасида улуғланиб авлиё қабри, муқаддас

зиёратгоҳ сифатида эъзозланган. Кейинчалик мақбаранинг шарқий деворига туташтириб кичик қорихона ва ўғли ал-Ҳаким Абдуллоҳ мақбараси (X аср), шимолда унча катта бўлмаган ҳовлига қараган 3 гумбазли, равоқли йўлак кўринишидаги намозгоҳ масжиди (XI-XII асрлар) ҳамда бир қатор қўшимча хоналар қўшилган.

Темурийлар ҳукмронлиги даврида (XV аср) хонақоҳ баланд асос (баландлиги 1,5 м) устига пишиқ ғиштдан қайта қурилди. Унга туташ бўлган хоналар таъмирланди. Хонақоҳнинг шимолий ва жанубий томонларига пешток ишланди. Оддий ва аниқ қурилмали хона деворлари равоқ устунлари «ромб» кўринишидаги пойустунга таянган. Ҳаким Термизий мақбараси IX асрда бунёд этилган хонақоҳ ҳужраларидан бири бўлган. Хонақоҳ ҳовлисининг ғарбидаги 3 гумбазли масжид мақбарага туташ, 3 равоғи ҳовлига қараган. Масжиднинг ғарбий девор марказида кенг ҳошияли меҳроб бор. Ундаги бўртма ёзув, сопол шакллар, оралик заминидаги ўйма ганч безаклар ўзига хос. Масжид устунлари ғиштдан безакли қилиб терилган. Масжиддан равоқ орқали мақбарага ўтилади. Мақбара ичи ганч ўймакорлигида гилам нусха безакда серҳашам пардозланган. Гумбаз ости шарафасида куфий хатида Қуръоннинг 36-сураси ўйиб ёзилган. Хонақоҳ ичи ҳам юлдузсимон гириҳ нақшлар билан пардозланган. Равоқларидаги тобадонларига панжаралар ўрнатилган. Мақбара ичидаги оқ мармар сағана темурийлар давридаги тош ўймакорлиги санъатининг юксак намунасидир. Сағана 3 поғонали, асоси ислимий нақш ва ёзувли ҳошиялар билан ўрта қисмидаги 3 меҳробий токчанинг марказий (ўрта) қисми муқарнас косачалар билан, 2 ёни шамчироқ тасвири билан безатилган. Сағанадаги ёзувларда Термизий ҳаёти ва фаолияти тасвирланган. Кичик мақбарада ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилган. Абдуллахон ҳукмронлиги даври (XVI аср)да ҳазира (ҳовли) ҳудудида 9 гумбазли масжид (эски масжидни ўз ичига олган ган. Олдида енгил равоқ-устунли айвон жойлашган. XIX асрда 9 гумбазли масжид ўрнида 4 гумбазли масжид бунёд этилган. Жанубдан кираверишда яна бир мақбара (гўрхона ва зиёратхонадан иборат) қурилиб, равоқли бўлмалар орқали Термизий мақбараси ва хонақоҳ билан ўзаро боғланган. Темурий меъморий

мажмуи 1955-1957 йилларда илмий ўрганилиб XIV-XV асрлардаги кўриниши қайта тикланди. 1980-1981 йил ва 2001-2002 йилларда мақбара ва хонақоҳ қайта пардозланди. Мажмуанинг умумий тарҳи 28,0х29,0 м, мақбара 5,10х4,70 м.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Ўзбек халқининг бадиий маданияти кўшни халқлар, айниқса, тожиклар маданияти билан ўзаро боғлиқликда ривожланган. Ўзбекистон худудидан топилган тасвирий санъат ёдгорликларининг энг қадимийси Сурхондарёдаги мезолит (милоддан аввалги 15-10 минг йилликлар) даврига оид қоятош суратларидир. Жумладан, Айритомдан топилган қоя суратида арфа чалаётган қиз тасвирланган (VII-VIII асрлар). V-VIII аср бошларида Сурхондарёдаги Холчаён худудида девор ва миноралар билан шахристонга эга бўлган шаҳарлар пайдо бўлди. Минтақада ислом дини тарқалгач, Ўзбекистон меъморлигида масжид ва мадрасалар, минора, мақбара ва хонақоҳлар қад кўтарди⁴⁹. IX-X асрлардан қурилишда пишиқ ғишт ишлатила бошланди. XI-XII асрларда Мозори Шарифда Муҳаммад Башаро мақбараси, XIV-XV асрларда Уструшонада Кўк гумбаз масжиди, XI-XII ва XV асрларда Конибодомда Муслиҳиддин мақбараси барпо этилди. XIV аср охири – XV асрларда монументал безак санъатида ёғоч ва ганчга нақш ўйиш, сирланган ва сирланмаган сопол, ёғоч ва ганчга тухумли темпера билан нақш солиш, зардўзлик ва бошқа кенг тарқалди. Ўзбекистон меъморлиги 1 қават пахса ёки хом ғиштли уйсозликдан бош режа асосида қурилатган шаҳарларгача бўлган тараққиёт йўлини босиб ўтди. 1930 йилларда Душанба, Хўжанд, Кўлоб, Конибодом шаҳарлари бош режа асосида қурила бошлади. 1930-1940 йиллар бошларидаги шаҳарсозликда Ўрта Осиё меъморлиги элементлари бўлган классицизм шакллари устунлик қилди. 1950 йилларнинг 2-ярмида шарқ анъаналарини ўзида мужассамлаштирган бинолар пайдо бўла бошлади. 1960 йиллардан сўнг Ўрта Осиё меъморлари кичик мавзелар барпо этишга ўтдилар. Саноат ривожланиши туфайли Қўрғонтепа, Турсунзода, Норак, Ёвон сингари янги замонавий шаҳарлар қад кўтарди. Душанбадаги «Тожикистон» меҳмонхонаси (1975,

⁴⁹ (471-бет)

меъмори А. И. Онищенко), киноконцерт зали (1985, меъмори С. М. Сутягин) каби замонавий муҳташам бинолар барпо қилинди.

Ўрта Осиёда замонавий тасвирий санъат XX асрнинг 20-йилларида вужудга кела бошлади. Илк рассомлар сиёсий ва ташвиқий плакатлар, ҳажвий журналлар учун безаклар яратиш, ўқув дарсликлари ва бадиий асарларни безаш билан шуғулландилар. 2-жаҳон уруши даврида графика, плакат, айниқса, карикатура ривожланди. 1940-йиллар охири ва 1950-йилларда тасвирий санъат жанрлари кўпайди, рассомлар маҳорати ошди. 1947 йил Республика тасвирий санъат музейининг очилиши бунга яхши шароит яратди. Пейзаж жанрида И. Абдурахмонов, Ф. Солмонов, С. Захаров салмоқли муваффақиятга эришдилар. Кейинчалик етишиб чиққан рассомлар И. Раҳимов, Х. Хушвақтов, З. Ҳабибуллаев, А. Аминжонов, ҳайкалтарошлар А. Ғаниев, К. Жумагазин, график рассомлар К. Туренко, Х. Расулов, Д. Сафоевлар ҳаётий мавзуларда ижод қилдилар. Х. Хушвақтовнинг «Хоруғ», «Олай водийси», «Помир тоғларида», З. Ҳабибуллаевнинг «Ғижжак», «Яйловда баҳор» асарлари зўр маҳорат билан яратилган.

1990 йиллар Ўрта Осиё тасвирий санъатида миллий анъаналарни, замонавий бадиий ғояларни чуқурроқ сингдиришга асосий аҳамият берилди. Чунончи, рассом С. Қурбонов ижодига тожик халқининг тарихи, миллийлик илдизлари, урф-одатлари гўзал шаклларда романтик бадиий услубда акс эттирилган. Тожикистон халқининг кўп асрлик тасвирий ва амалий санъатида безак асосий йўналиш бўлган. М. Хушмуҳамедов, А. Ҳайдаров, А. Камелин, А. Раҳимов, М. Бекназаровлар миллий мерос анъаналарини бирмунча янгилаган ҳолда мана шу йўналишда ижод қилмоқдалар. П. Фальбов, С. Шарипов, А. Сайфиддинов каби рассомлар бу соҳада янги йўналиш яратиш йўлига тушиб олдилар. Л. Ирисметова, М. Носирова, М. Қодирова, М. Қурбонова, З. Давлатшоева, Д. Мамажонова, Н. Ҳамидова, С. Саидова сингари истеъдодли аёл рассомлар етишиб чиқди. Тожикистон замонавий ҳайкалтарошлиги (А Бикасиён, В. Одинаев, Ж. Тошматов асарлари)да ҳам янги йўналиш бошлангани сезилади. А. Лохутий (ҳайкалтарош И. Милашевич), Мирзо Турсунзода (ҳайкалтарош А.

Бикасиён) ҳайкаллари, Б. Ғафуров бюсти (ҳайкалтарош И. Иванов), Душанба шаҳридаги «Ваҳдат» мемориали (1999), Қўрғонтепадаги Исмоил Сомоний ҳайкали (1999) шундан далолат беради.

Амалий санъат соҳасида — кулолчиликда А. ва Б. Мавлоновлар, С. ва С. Соҳибовлар, М. Мирзоев; наққошликда М. Олимов, К. Гаюров; ёғоч ўймакорлигида Ю. Баратбеков, А. Йўддошев, А. Яҳёев; каштачиликда З. Бахриддиновлар самарали ижод қилмоқдалар. 1998 йил Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Тожикистон рассомларининг бадий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Тожикистон истиклол даври тасвирий санъати кенг намойиш этилган. Тожикистон Меъморлар уюшмаси 1936 йил, Рассомлар уюшмаси 1933 йил ташкил этилган. Тожикистон бадий санъат ходимлари Душанбадаги Давлат Бадий коллежида тайёрланади. Кўпгина тожик санъаткорлари Ўзбекистон санъат институтлари ва билим юртларида таълим олган.

Меъморлиги. Ўрта Осиё ҳудудидан милоддан аввалги IV- I асрларга оид манзилгоҳлар топилган ; улар паҳсадан қурилган уйлардан, мудофаа деворлари ва миноралардан иборат бўлаган. Ўрта Осиёнинг анъанавий турар жойлари йиғма ўтов хом ғиштдан қурилган оддий уйлар. V-X-асрларда шаҳарлар пайдо бўлди, кўрғон ва қасрлар, ибодатхона, работ, карвонсаройлар бунёд этилди. X-аср ўртаси XII-асрда масжид, минора (Ўзган минораси), мақбара (пештоқ –гумбазли; Ўзгандаги 3 мақбара) каби монументал бинолар қурилди. XIII-асрдан монументал мақбара (*манас мақбараси*, XIV-аср) карвонсарой (Тошработ карвонсаройи, XV-аср), кўшклар (Ўш шаҳри яқинида Бобур қурдирган кўшк, XVI-аср боши) қурила бошлади. Ўрта Осиё Россияга қўшиб олингандан кейин шаҳарлар ривож топа бошлади. Пишпак (ҳозирги Бишкек), Қоракўл, Тўқмоқ каби шаҳарлар режа асосида (бир қаватли, паҳса ва хом ғиштдан) қурила бошлади. XX-асрнинг 20-йилларидан эски шаҳарлар қайта тикланди, пухта режа асосида янги шаҳар (Жалолобод, Қизилқия, Кўкёнғок, Талас) ва шаҳарчалар (Кўктош, Қорасув ва бошқаларлар) барпо этилди. 30-йилларнинг охиридан бинолардан миллий безаклардан кенг

фойдаланилди (Бикекдаги Ёзги театр, меъмор Г. А. Градов). 40-йилларнинг охиридан маҳаллий шароит ҳисобга олинган ҳолда йирик шаҳарларнинг бош режалари ишлаб чиқилди. Шаҳарлар шу режа асосида қурила бошлади. 1960-70 йилларда бинолар йиғма темир-бетон ва шишадан барпо этила бошлади (Қирғизистон ФА биноси, 1960 йиллар; рус драма театри, 1971; Спорт саройи, 1974, меъмор М. Марухов; тасвирий санъат музейи, 1974, меъморлар ШАҲРИ Жекшенбоев, В. Назаров, Д. Ирискулов, ҳаммаси – Бикек шаҳрида; Ўш шаҳридаги “Семетей” кинотеатри, 1976). Кортлар қурилишига эътибор берилди (Исиккўл атрофида йирик корт р-ни барпо этилди). Мамлакатда биринчи йирик панелли 9 қаватли уй 1975 йил, 12 қаватли уй 1982 йил, 18 қаватли уй 1985 йилда қурилди⁵⁰.

Т а с в и р и й с а н ъ а т и. Ўрта Осиё ҳудудида топилган қадимий санъат асарлари намуналари неолит даврига мансуб (Оқ тош расмлари). Жез даврида қирма ва қолипаки нақшли сопол идишлар тайёрланган. Ўрта Осиёнинг шимолий ҳудудлари ва Тяньшандан қўтос, эчки, шер, қоплонларнинг бронзадан қуйилган ҳайкалчалари топилган (миллоддан аввалги VII-аср-мил. V-аср). V-X-асрларда қабрлар устига тош ҳайкалчалар ўрнатилган. IV-V асрларга мансуб суғдийлар қўрғонидан лойдан қуйиб, ҳар хил рангга бўяб ишланган Будда ҳайкали (бўйи 12 метрдан ортиқ) топилган. Ўтроқ аҳоли ўртасида сирланган сопол идишлар, ўйма нақшлар билан безатилган оғзадонлар тайёрлаш, кўчманчи туркий қабилалар орасида от абзалларининг қисмларини металлдан безаб тайёрлаш ривожланган:

Ўрта Осиёда тасвирий санъат ривожига рассомлар И. И. Образцов, С.А.Чуйков, ҳайкалтарош О.М.Мануилова катта роля ўйнайди. 1930-йиллардан қирғиз миллий рассомлигининг асосчиларидан бири Ғ.Айтиев самарали ижод қилди. 1935 йил Бишкекда бадиий студия (1939 йилдан Бадиий билим юрти) очилди. 1930 йиллардан рассомчиликда манзара жанри ривож топди (С.А.Чучков, Ғ.Айтиев, С.Оқилбеков ва бошқаларлар). 1930 – йилларнинг охирида графиклардан Л. А. Ильина, А. И. Михалёв, А. А. Сгибнев ва

⁵⁰ 18

бошқаларлар самарали ижод қилдилар. 2 - жаҳон уруши йиллари ташвиқот ва сатирик графика (плакат, карикатура) юксалди, уруш қаҳрамонларига бағишланган рассомлик асарлари, хайкаллар ижод қилинди. 1950 – йилларда портрет ва манзара жанрлари ривожланди (Ғ. Айтиев, С. Оқилбеков). 1950-йилларнинг охири- 1960 - йилларда А. Усубалиев, С. Ишенов, Д. Жумабоев, А. Усмонов каби рассомлар етишди. 1960 – йилларда хайкалтарошлардан Т. Содиков, А. Муҳиддинов самарали ижод қилдилар.

Халқ санъатида гиламчилик, кигиз босиш, кашта дўзлик, чарм буюмлари тайёрлаш ва уларни безаш, кулоллик каби анъанавий тармоқлар ривожланган⁵¹. (19-бет)

Тасвирий санъати. Ўрта Осиё худудида энг қадимги тасвирий санъат ёдгорликларидан палеолит даврида хайвонларнинг қояга ишланган расмлари (қоратов ва Хонтовда) ва неолит даврига мансуб ғор расмлари (Павлодар вилоятидаги Жасибой ғорида) топилган. Жез давридан Анронова маданиятига мансуб ёдгорликлар: хайвон (буғу, эчки ва бошқаларлар) лар хайкалчалари, ов манзараларининг қояга ишланган тасвирлари (Олмаота вилоятидаги Тамғалидара расмлари) сақланган, сопол идишлар топилган. Ўрта Осиёнинг ўрта асрларга мансуб тасвирий санъати намуналаридан эркак, аёл ва хайвонларнинг тош хайкалчалари, аёлларнинг бронза хайкалчалари сақланган. Ўша давр амалий безак санъати ёдгорликларидан уйма, қолипаки нақш билан безатилган сирсиз ва сирланган сопол идишлар, чарм, металл буюмлар маълум.

19-асрда қозоқлар ҳаёти акс эттирилган тасвирий санъат асарлари яратила бошлади (Ч. Валихонов, Т. Ғ. Шевченконинг расм ва аквареллари, В. В. Верещагин расмлари). 20- асрнинг 20- 30 – йилларида миллий рассом ва графиклар (А. Тошбоев ва Ҳ ва қ. Ҳожиков ва бошқаларлар) етишиб чиқди. 40-50 йилларда тасвирий санъатнинг барча турлари, жумладан, рангтасвир санъати ривожланди (А. Исмоилов, А. Кастеев, А. Черкасский, М. Лизогуб). 1960 – 70 – йилларда М. С. Кенгбоев, К. Т. Телжонов, К. М. Шаяхметов, С. А. Айтбоев, С. Мамбеев каби рассомлар, Х. И. Наврўзбоев, А. Тулеков, Т. С.

⁵¹ 19 бет

Дўстмахамбетов каби хайкалтарошлар, Р. Сихи, Е. Сидоркин каби графиклар, Л. Хожикова, Р. Сансенбин каби амалий-безак санъати усталари ва бошқаларлар етишиб чикди. 1940 – йил Қозоғистон рассомлар уюшмаси тузилган⁵². (52-бет).

Меъморлиги. Ўрта Осиё худудида яшаган қабилаларнинг жез давридаги турар жой қолдиқлари (қ. Андронova маданияти), мазорқўрғонлар ва хоказолар сақланган. Миллоддан аввалги 1-минг йиллик ва милодий дастлабки асрларда Ўрта Осиё худудида яшаган қабилалар кўчманчи кигиз ўтов уйлар билан бирга пахса, хом ғиштдан ҳам уйлар қурган. Ўрта асрларда шаҳарлар {Исфижоб (XI-асрдан Сайрам), Тароз ва бошқаларлар} барпо этилди, қалъа ва қўрғонлар қурилди. VII-асрдан ҳозирги Қозоғистоннинг жанубий қисмида ислом дини тарақалиши муносабати билан масжид, мадраса каби янги бинолар, сардоба, хаммом, карвонсарой, конуссимон мақбаралар қурилди. X-асрдан мемориал иншоотлар (Тароз шаҳри яқинидаги Бабажи хотин мақбараси, ойшабиби мақбараси) барпо этилди. XIII-асрнинг 2-ярмидан шаҳарлар (Сифноқ, Тароз, Сайрам ва бошқаларлар) қайта тикланди. XIV-XV – асрларда шаҳарлар қуриш авж олди, монументал бинолар (Қарағанда вилоятидаги Алаша хон мақбараси, XIII-асрнинг 2-ярми; Туркистон шаҳридаги Ахмад Яссавий мақбараси – Яссавий мажмуаси, XIV-аср охири – XV – аср боши) бунёд этилди. XVII – XVIII- асрларда Ўрта Осиё худуди чегараси бўйлаб харбий истеҳкомлар - Ёйик шаҳарчаси (Уральск), Гурьев, Орск, Семипалатинск, Оренбург қалъалари қурилди. XIX-асрда эклектика руҳида қалъа, маъмурий ва савдо иншоотлари, мақбалалар қурилди. 1920 - йилларда турар жой ва жамоат бинолари меъморлигида миллий анъанавий меъморлик унсурларидан фойдаланилди. Балхаш, қарағанда, Жезқазған каби янги шаҳарлар барпо этилди. 1920-30 йиллардаги меъморлик конструктивизм ғоялари ўз аксини топди. 1950-йилларнинг 2-ярмида қурилиш ишлари кенг қўлламда давом эттирилди (Олмаота Хукумат уйи). 1960 – 70 йилларда кўп қаватли турар жой биноларининг қавати сони оширилди, янги меъморий шакиллар («Медео»

⁵² 52 ,TN

спортмажмуи, 1951, 1971-72 йилларда реконструкция қилинган, меъморлар В. Кацев, А. қайнарбоев ва бошқаларлар; Шевченко (ҳозирги Оқтов) шаҳрининг меъморий мажмуаси; Олмаотадаги «Қозоғистон» меҳмонхонаси, 1978, меъморлар Ю. Ратушний, Л. Ухоботов) яратилди. 1935 йил Қозоғистон Меъморлар уюшмаси тузилган.

ТОШ ЎЙМАКОРЛИГИ

Амалий безак санъатининг кенг тарқалган соҳаси. Тош ўймакорлигида безатиладиган буюм сиртига ўйиб, балаанд ёки ясси бўртма ҳосил қилиб ёзув, нақш, тасвир ишланади. Бунда юмшоқ (гипстош, оҳактош ва бошқа), ўртача (малахит, мрамор ва бошқа) ҳамда қаттиқ (нефрит, лазурит, яшма ва бошқа) тошдан фойдаланилади. Тош турлари инкрустация қилиниши, ўзаро бириктирилиши, зичлаб-қалаб мустаҳкамлаб, кейин Тош ўймакорлиги билан беаатилиши мумкин. Ўзбекистон ҳудудидан топилган Тош ўймакорлигининг илк намуналари неолит, энеолит, жез даврларига мансуб. Ўрта Осиёлик усталаар қадимдан минерал ва тоғ жинсларининг хоссалари, ишлаш усуллари яхши билган; ясси бўртма (рельеф)ли Тош ўймакорлиги ривожланган. Ҳозирги Тош ўймакорлигининг асосий қисми механизациялашган.

ДАВЛАТ УЙ-ЖОЙ ФОНДИ

Давлатнинг ихтисослаштирилган уйлари (ётоқхоналар, ногиронлар, фахрийлар, кексалар учун интеевнат уйлари, меҳрибонлик уйлари ва бошқа махсус мақсадлар учун мўлжалланган уйлар), шунингдек, давлат ихтиёридаги идоралар, ташкилотлар, турли муассасаларнинг уй-жой бинолари. Давлат уй-жой фонди маҳаллий ҳокимият идораларига қарашли ва давлат тасарруфидаги ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва бошқаларга қарашли турар жой фондларидан иборат. Улар ихтиёридаги турар жой фондларига хизмат кўрсатиш вазирликлар, идоралар қошидаги коммунал хизмат кўрсатиш тармоқлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистонда Давлат уй-жой фондининг шаклланиши XX асрнинг 20-йилларидан бошланди. 1924-1990 йилларда республикада молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобига коммунал уй-жой хўжалигига хизмат кўрсатиш таармоғи барпо қилинди ва жами 250,4 млн. м² уй-жой фонди қурилди (шундан 79,1 млн. м² давлат, жамоат, уй-жой қурилиш ширкатлари уй-жой фонди, 171,1 млн.м² фуқароларнинг шахсий уй-жойи)⁵³.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, иқтисодиётни ислох қилиш, бозор иқтисодиётига ўтиш натижасида давлатнинг уй-жой сиёсатида ҳам туб бурилиш ясалди. ЎЗР нинг “Давлат уй-жой фондинихусусийлаштириш тўғрисида” (1993 йил 7 май), “Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди. (1996 йил 26 декабр)⁵⁴

Шаҳар ва қишлоқларда замонавий андозадаги бинолар қад кўтарди. Кейинчалик аҳоли турар жойларини яхшилаш учун жуда кўплаб маблағлар сарфланди. Давлат уй-жой фондининг қарийб 98,8% фуқаролар хусусий мулкига айлантирилди. 1992-1993 йилларда умумий майдони 57,4 млн. м² бўлган 990,6 минг квартира арзон баҳоларда, шу жумладан 18,8 млн. м² бўлган 318,7 минг квартира (маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ходимларига) бепул хусусий мулк қилиб берилди⁵⁵.

ДАЛВАРЗИНТЕПА ХАЗИНАСИ

Далварзинтепа шахристони (Сурхондарё)дан топилган хазина. Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси томонидан топилган (1972). Далварзинтепа хазинаси – 2 балдоқли сопол кўзача (ярим метр чуқурликда оғирлиги 36 кг) даги ҳар хил олтин буюмлардан иборат. Олтин буюмлар сони 115 та, улар ёмбилар, билагузуклар, олтин шодалар ва бошқа тақинчоқлардир. Хазина подшо амалдорлари, бойларга ҳар хил тақинчоқлар тайёрлаб берадиган заргарга тегишли бўлса керак. Чунки баъзи тақинчоқлар жуда оғир, ҳатто битта билагузук 872 г соф олтиндан иборат. Айниқса нозикк дид билан ишланган

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

⁵⁴ Ўз.РПДАҚВФ, 846-жам-арма, 1-рўйхат, 1-иш, 58-варақ

⁵⁵ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3-жалдлик. –Тошкент: Шарқ, 2000. 3-жилд. – Б.229.

турли шаклдаги билагузук ва зираклар, қизғиш рангли қимматбаҳо тошга ўйиб ишланган, эркак тасвири туширилган бўйин тақинчоғи, тилла ипчалардан тўқилган ва 5 қатор тизилган шода диққатга сазовордир. Олтин шода тақиладиган қисмининг иккала томонига 10 тадан ортиқ феруза ва ёқут тошлар қадалган. Хазинадаги тўғри бурчак шаклида тайёрланган ёмбилар катта илмий аҳамиятга эга. Уларнинг жами 21та, аммо 10 тасида қадимий кхарошти ёзуви битилган. Далварзинтепа хазинасининг энг қимматли томони унинг антик дунё давр санъати қаторида тутган ўрнидир⁵⁶. Гарчи Далварзинтепа хазинасидаги айрим тақинчоқлар Афғонистон, Ҳиндистон, Покистондаги тақинчоқларга ўхшаб кетса-да, аммо уларнинг Шимолий Бактрия, яъни ҳозирги Ўзбекистон жанубий ҳудудларида яшаган қўли гул усталар томонидан тайёрланганлиги шубҳасиздир. Далварзинтепа хазинаси топилмаси аجدодларимизнинг қўшни халқлар ва мамлакатлар билан қадимдан савдо-сотик ва маданий алоқада бўлганлигидан дарак беради. Далварзинтепа қадимий шаҳар харобаси. Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани маркази – Шўрчи шаҳридан 10 км шимоли-шарқда жойлашган. Майдони 47 га. Далварзин тепа 2 қисмдан: кудратли мудрофаа девори (қалинлиги 10 метргача) билан ўраб олинган шоҳ сарой қалъаси ва шаҳарнинг ўзидан иборат. Шаҳар ҳам мудрофаанинг истеҳкомлари тизимига эга бўлиб, бу ерда аслзодалар, ҳунармандлар, кулоллар, савдогарлар ва руҳонийлар истиқомат қилишган. Ўзбекистон санъатшунослик илмий тадқиқот институтининг санъатшунослик экспедицияси Далварзинтепада 1962 йилда дастлабки текширув ишларини ва 1967 йилдан буён мунтазам археология қидирув ишларини олиб боради⁵⁷. Душанбе шаҳрида “Кушонлар даврида Маркахий Осиё” мавзуида ўтган халқаро симпозиуми (1968) да экспедиция топилмалари (хайкаллар, кулолчилик буюмлари, шаҳар мудрофаа иншоотларини ўрганиш натижалари ва ҳоказо) асосида Кушон подшолигининг дастлабки пойтахти Далварзинтепа ўрнида бўлган, деган фараз олдинга сурилган эди. Милоддан аввалги II асрнинг охири – I асрларда

⁵⁶ Ўз.РПДАҚВФ, 846-жам-арма, 1-рўйхат, 1-иш, 58-варақ

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

ҳозирги Далварзинтепа ўрнида кичик манзилгоҳ пайдо бўлган. Кушон подшоларидан *Канишка* даврида Далварзинтепа шаҳар сифатида шаклланган. Милоддан аввалги 1 аср охири – милоднинг бошларида Шимолий Бактрия ҳудудида Далварзинтепадан бошқа бунччалик йирик шаҳар манбаларда қайд этилмаган⁵⁸. Шаҳар ҳудудида уни бир қанча маҳаллаларга ажратган шоҳкўчалар, шунингдек, торкўчалар бўлган. Кенглиги 12 метрга яқин шоҳ кўчалардан бири бадавлат фуқароларнинг уйларида иккитасига (дала белгиси: ДТ-5 ва ДТ-6) бориб тақалади. 1972 йил экспедиция шу уйларнинг биридан вазни салкам 36 кг чамаси келадиган олтин безаклардан ва ёмбиклардан иборат ноёб хазина ва фил суягидан ишланган, дунёда энг қадимий бўлган шахмат доналарини топди (қ. *Далварзинтепа хазинаси*). Бадавлат фуқароларнинг маҳалласидан ташқари шаҳарда, аркка (қўрғонга) яқин ерда хунармандлар ва кулолларнинг уйлари жойлашган. Шу ерда кўп хонали уй, кулолчилик буюмларини қуришиш майдончаси ва 11 хумдон очилди. Қадимий шаробпазлар яшаб, ишлаган уйлар ва мусалласхоналар шаҳарнинг қарши томонида жойлашган. Далварзинтепанинг Шимоли-Ғарбий қисмидан Кушон маъбудаларидан бирига бағишланган ибодатхона топилган. Шаҳар девори ташқарисида эса будда ибодатхонаси ва аслзодалар дафн этилган дахма топилди. Асосий шоҳкўчалардан бири ўтган шаҳар марказида *будда* мажмуаси – улуғвор ҳайкаллари бўлган ибодатхона қад кўтарган (дала белгиси: ДТ-25). Милодий III аср охири IV аср бошларида Кушон подшолиги эфталийлар томонидан забт этилгандан кейин Далварзинтепа *вайрон* қилиниб ҳаёт фақат унинг бир қисмидагина (ҳозирги қалъа (ҳисор) шоҳ саройи ўрнида) сақланиб келган. Араблар истилосидан кейин шаҳар батамом вайрон қилиниб, ҳаёт Далварзинтепадан 10 км чамаси шарқда, Будроҷтепа ўрнига кўчган. 1989 йил Далварзинтепани ўрганишда янги босқич бўлди – Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси билан Япониянинг Токиодаги Сока университети ва Кашихарадаги Археология институтининг профессори Кюдзо Като

⁵⁸ - (180 бет)-

рахбарлигидаги экспедицияси ҳамкорликда иш олиб боришмоқд⁵⁹а. Марказий Осиё буддавийлик тарихини ўрганиш, буддавийлик персонажлари иконографияси, шаҳарсозлик жараёнининг ўзига хос жиҳатлари ва қонуниятлари, давлатчиликнинг шаклланиши, Буюк ипак йўли излари, Кушонлар даавридаги диний эътиқодларнинг ўзаро таъсири ва улар Бактрия-Тохаристон санъатида акс эттирилиши япон ва ўзбек олимлари олдидаги энг долзарб илмий муаммолар қаторида туради.

МЕЪМОРИЙ САНЪАТНИНГ ЗАРДЎЗЛИКДА АКС ЭТТИШИ.

Зардўзи – зар (тилла ёки кумуш суви юритилган) ип, ипак ва бошқа билан *кашта* тикиб безак яратиш усули ва шу усулда безатиб тайёрланган кийим, бадий буюмларнинг номи (масалан, Зардўзи дўппи, Зардўзи телпак, Зардўзи нимча ва бошқалар)⁶⁰.

Зардўзлик – безак санъати тури; амалий санъатнинг зар (тилла ёки кумуш суви юритилган) ип, нозик сим, ипак билан кашта тикиб безак яратадиган соҳаси. Тўртбурчак чамбаракка (корчўпга) ўрнатилган бахмал, шойи, мовут, чарм ва бошқа матоларга зардўзи усулида кашта (гул, нақш, тасвир) тикилади. Каштада баъзан металл, тош, шиша мунчоқлаар ҳам ишлатилади, турли матолар (бахмал, шойи ва бошқа)дан қуроқ қилинади. Олдиндан тайёрланган (рассомлар томонидан яратилган мужассамот нусхаси кўчирилган) ахта қоғозлардан фойдаланилади. Матога мустаҳкамланган (тикилган ёки ёпиштирилган) ахта қоғоз зар ип билан бир томонлама қоплааб тикилади (мустаҳкамловчи чок учун зар ипга мос рангдаги ипдан фойдаланилади), натижада нақш-гул юзаси зар иплар билан қопланади, матонинег тескарисида нақш-гул шаклигина ҳосил бўлади. Зардўзлар безакк яратишда бир неча усулни қўллайдилар: зардўзи *заминдўзи* ва зардўзи *гулдўзи*, шунингдек, биришимдўзи (ипак ишлатилганда), пулакдўзи (тугмасимон металл япроқчалар қўлланганда)

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 5-том. 1997. – 654 б.

⁶⁰ Ўз.РПДАҚВФ, 846-жам-арма, 1-рўйхат, 1-иш, 60-варак

ва бошқалар. Мустаҳкамловчи ва таҳрир чокларнинг бир неча турини моҳирона қўлланилиши ҳамда уларнинг нақш мужассамоти билан уйғунлашуви зардўзи буюмларга жозиба ва нафосат бахш этади; уларнинг бадий қиммати нақш мужассамоти, хом ашёси, тикилиши ҳамда зардўз устанинг дид ва маҳоратига боғлиқ. Нақш мужассамотида кенг тарқалган анъанавий ўсимликсимон нақшлар ва ҳандасий шакллар – давкур, дарҳам, донча, бодомой, бутадор ва бошқадан фойдаланилади⁶¹.

Зардўзлик бадий ҳунармандчилик тури сифатида Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган. Асосан, бинолар ичини безайдиган буюмлар, аёлларнинг байрам либослари зардўзлик билан тайёрланган. Археологик топилмалар, тарихий қўлёзмалар Ўрта Осиё халқлари орасида зардўзи кийим ва бадий буюмлар тикиш қадимдан ривожланганлигини кўрсатади. Испан элчиси *Клавихо* ўз эсдаликларида, Зардўзи усулида тикилган кўрпа-тўшаклар, ипак матога зар тақилган қимматбаҳо дар-пардалар ва чодирлар ҳақида, эркак ва аёлларнинг зар ипда тикилган кийимлари ҳақида завқ билаан ёзади. Абдураззоқ Самарқандий ўзининг “Ҳиндистон сафарномаси” рисоласида Шохруҳ (1442) Ҳиндистоннинг Калькутта вилояти ҳукмдори ҳузурига юборган элчилари орқали унга зардўзи дўппи совға қилгани қайд этилаган. Восифий ўзининг рисолаларида Заардўзи касби тўғрисида сўз юритган. Дарҳақиқат, XV-XVIII асрларда Бухоро, Самарқанд, Ҳиротда Зардўзи юксак поғонага кўтарилган. Унинг XIX асрдаги тараққиёти Бухоро билан боғлиқ. Буухорога сақланиб келаётган Зардўзи касби узоқ давр мобайнида сайқал топиб, такомиллашаа борган. Зардўзи билан, асосан, эркаклар шуғулланган (ҳозир аёллар орасида ҳам кенг тарқалган), улар устахоналарга уюшиб ишлашган⁶². XIX аср ўрталари XX аср бошларида яратилган зардўзи буюмлар (тўн, камзул, чакмон, чалвор, пойабзал, белбоғ, салла, кулоҳ ва жул каби)нинг деярли баарчаси амир ва унинг оиласи, сарой аъёнлари учун тайёрланган, қисман бадавлат хонадонлар буюртмалаари ҳам бажарилган. XIX аср 30-60 йилларида Зардўзида акс

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 5-том. 1997. – 654 б.

⁶² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. 3-жалдлик. –Тошкент: Шарқ, 2000. 3-жилд. – Б.229.

эйтирилган мужассамотлар қанчалик оддий бўлса, кашта – гуллар ҳам шунчалик равон ва жозибадор бўлган. XIX аср 70-80 йилларида зар ип ёки зар аралаштириб эшилган ипак ип (пушти, тўқ қизил, мовий, яшил)дан фойдаланилган. Зардўзининг зардўзи биришимдўзи номли ўзига хос тури шу даврга хосдир. 1893 йилдан зар ипларнинг янги навлари кўпп миқдорда ишлаб чиқарилиб, улар рангли ипак ипларни сиқиб чиқарди ва умумий тикиш услубини ҳам тубдан ўзгартириб юборди⁶³.

1890-1900 йиллардаги Зардўзи заргарона ўта нозиклини билан ажралиб туради. Турли кўринишдаги бўртма гирихлар, юлдузчалар ва шунга ўхшаган бошқа безаклар буюга ўзгача зеб бериб турган, айниқса, давқур мужассамоти алоҳида ўрин тутган. XX аср 20-йилларида барча амалий санъат усталари қатори зардўзлар ҳам артелларга бирлаштирилди, улар хом ашё билаан таъминланди, кейинчалик артеллар бирлашиб фабрикага айлантирилди.

Зардўзи буюмларни турлари ўзгарди, аввалги ҳашамдор буюмлар ўрнини нафис ишланган, давр талабига мос буюмлар эгаллади, нақш мужассамоти соддаалаштирилди, анъанвий нақшлар давр руҳини ифода этувчи шакллар билаан бойитилди. Зардўзлар аёлларнинг байрам либослари (кўйлак, нимча, дўппи, камар, кавуш, сумкача), анъанвий буюмлар, эркаклар учун совға тўнлар, дўппилар тайёрлай бошладилар. 40-50 йиллар бошида маҳобатли зардўзи намоёнлар яратиш сезиларли даражада ривожланди. Дастлабки йирик иш Навоий театри учун тикилган зардўзи парда бўлди (1947, А. Шчусев чизгиси, ҳажми 7х 27 м). Рассомларнинг амалий санъат усталари билан ҳамкорлиги ҳамда ижодий изланишлар натижасида янги мужассамотли майда буюмлар, бадиий жиҳатдан қимматли намоёнлар яратилди ва яратилмоқда: “Китоба” (1952, Н. Аминов чизгиси), “Пахта” (1955, М. Прутская чизгиси), “Байрам” (1959, В. Столяров ва М. Аҳмедова чизгиси), “Тирих” (1962, В. Столяров чизгиси), Алишер Навоийнинг 525 йиллигига (1968) ва бошқага бағишланган намоёнлар Зардўзининг катта ютуғи бўлди. 90 йилларга келиб Зардўзи қайта тикланди. Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент,

⁶³ Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 5-том. 1997. – 654 б.

Самарқанд, Ургут, Қарши, Жиззах, шаҳарлари, Сурхондарё вилояти замонавий Зардўзи санъатининг марказлари ҳисобланиб, зардўз усталар (Н. Аминов, Б. Жумаев, С. Акбаров, Т. Содикова, Г. Бозорова, Г. Пиримқулова, М. Ҳабибова, Г. Нуртоева, М. Муҳиддинова, Д. Тошева ва бошқа) чопон, дўппи, нимча каби либослар қаторида мавзули намоёнлар, театр пардалари ҳамда совға буюмлар, игнадонлар, кўзойнак ғилофи, упа-элик сумкачаларини Зардўзи усулларида безатишни ривожлантирдилар⁶⁴.

Б. Жумаев рафикаси М. Жумаева билан биргаликда Бухоро зардўзлик санъати мактабини тиклаш ва ривожлантириш мақсадида марказ ташкил қилди (1995). Б. Жумаевнинг “”Боҳоуддин Нақшбандий” (1997), “Бухоройи Шариф”(1997), “Қўштовус” (1998), “Гултувак” (1998), “Алишер Навоий” (1998) мавзуларидаги деворий намоёнларининг юқори даражадаги техник ижроси ҳамда муаллифнинг ўзига хос услуби ва балиий анъаналарнинг уйғунлашганлиги билаан ажралиб туради. Усталар ва рассомлар яратаётган йирик мавзули зардўзи буюмлар республика ва чет мамлакатлар кўрғазмаларида намоёиш этилмоқда, музейларида сақланмоқда.

АНЪАНАВИЙ ДАШТ КЎЧМАНЧИЛАР МАДАНИЯТИДА МЕЪМОРИЙ САЪНАТ НАМУНАЛАРИ

Дашт кўчманчи халқлар маданияти – жаҳон цивилизациясининг ноёб дурдоналаридан бири ҳисобланади. Ушбу маданият тури тез суръатларда ривожланиб, асрлар давомида ўзгариб, тараққиётнинг оғир босқичларини босиб ўтди. XVI-XIX асрлар давомида кузатилган қабилалар йирик кўчишларининг тугаши, кўчманчи халқларнинг ўтроқ турмуш тарзига ўтиши, албатта, дашт халқлари турмуш тарзига ва дунёқарашига таъсир этмасдан қолмади. Аммо дашт маданияти анъаналари илгаригидек замонавий турмушда ҳам сақланиб қолган.

⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Сурхондарё вилояти – анъанавий чорвачилик ривожланган ҳудудлардан бири ҳисобланади. 2003 йилда Сурхондарё вилояти Бойсун туманига ёзги-кузги дала мавсуми бўйича уюштирилган Халқаро кенг қамровли Бойсун экспедицияси натижасида жамият тараққиётининг замонавий босқичида анъанавий дашт кўчманчилар маданиятининг ҳолати ҳақида фикр юритиш имконини берувчи ноёб маълумотларга эга бўлинди. Туман аҳолисининг асосий қисмини илгари кўчманчи ва ярим ўтроқ турмуш тарзини юритган ўзбек қабилалари (қўнғиротлар, катағонлар, тоқчилар, жузлар, кенагаслар, қорабўйинлар ва бошқалар) ташкил этади. Улар ўз навбатида дашт маданияти тарқатувчилари ҳам ҳисобланишади. Дашт маданияти кўринишлари ҳозиргача аҳоли турмуш тарзида ва юриш-туришида, анъанавий турар жойлари ва томорқа қурилишларида, уй жиҳозларида, бадий санъатда кузатилади. Кўчманчиликка хос уруғ-аймоқчилик анъаналарининг барқарорлиги, айниқса, қўнғиротларга хос бўлиб, улар орасида “насл бузилмасин” тушунчаси мавжуд, яъни аралаш никоҳларни рад этишда улар биринчи ўринда туришади. Тумандаги айрим қишлоқлар асосан қўнғиротлардан (Мунчок, Чилонзор, Тўда, Гуматак) ёки тоқчилардан (Қизил Навр) иборат. Шунинг учун ҳам айтиш мумкин, қишлоқларда дашт маданиятида яратилган гиламдўзлик ва кигизчилик санъати сақланиб қолган.

Амалий безак санъати ҳар бир халқнинг маиший турмушининг таркибий қисми сифатида асрлар оша шаклланиб келган миллий хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Археологик кашфиётлар туфайли аниқланган тарихий обидаларда топилган ганчдан ва сополдан ясалган буюмларда, металл ва олтин безакларда, ранг-баранг тўқимачилик ва каштачилик буюмларида, тангаларда, деворий санъат намуналарида тасвирланган жозибадор тимсолларда бутун бир маиший турмуш соҳаси (айрим одамлар ва турли жониворлар иштирокида ўтказилаётган маросимлар ва ҳаёт тасвири берилган панноларда) тасвирланган.

Амалий безак санъатида тасвирланган нақшлар шунчаки шакл бўлиб қолмасдан, балки этнографик муҳим манбалардан бири ҳам ҳисобланади. Ушбу нақшлар халқ диний тасаввурлари ва эътиқодлари билан бевосита боғлиқдир.

Нақшлар ўз хусусиятларига кўра қуйидаги турларга бўлинади: геометрик, ўсимлик шаклидаги, зооморф (хайвон шаклидаги) ва антропоморф (одам) нақшлар⁶⁵. Улар орасида зооморф нақшлар ўз ичига ҳақиқий ёки ҳаёлий жониворларнинг услубий тасвирини олади (бундай нақшлар одатда “ёввойи” услуб деб ҳам номланади). Зооморф нақшларни, айниқса, тўқимачилик ва каштачилик буюмларида кўп учратиш мумкин. Кўчманчилар дунёси санъатида кенг тарқалган нақшлардан бири шохлар билан безалган ромбли хочсимон нақш эди. Ушбу нақш тури кўчманчи халқлар наққошлигида жуда ҳам машҳур бўлган. Бу эса улар маданиятининг генетик яқинлигидан далолатдир⁶⁶. Бу услуб кейинчалик ўтроқ-зироаткор жамоаларида ҳам кенг тарқалган.

Бундай нақшлар илк бор Пазирикдан (Тоғли Олтой, м.а. VI-V асрлар) топилган кигиз гиламларда аниқланган. Кейинчалик шохлар билан безалган ромбли хочсимон нақшлар шарқдан ғарбга тарқала бошлади. Бу бевосита кўчманчи маданият тарқатувчиларининг миграцияси билан боғлиқ эди⁶⁷. Узоқ танаффуслардан сўнг ушбу нақш турини Хоразм меъморчилигида кузатамиз (Нажмиддин Кубро хонақоси токчаларида). Кўчманчилар дунёси санъатида машҳур бўлган шохлар билан безалган ромбли хочсимон нақш X-XI асрларда Ахсикат ва Самарқанд таомларида ҳам учрайди⁶⁸.

Нурота ва Самарқанд ўзбеклари гиламларида ушбу безак тури “кўчқорак” ёки “муйиз-нусха” номи билан машҳурдир. У қирғизларда “кайкелек” ёки “кош кайкалас”, озарбайжонларда “дорд бўйнуз” деб аталади. Айниқса, туркманлар учун бу нақш алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Чунки ушбу шакл ўзида гўёки барча туркман қабилаларини бирлаштириб турган⁶⁹. Бундай шакллар турк, қрим татар, қозоқ, лоқай ва қорақалпоқ гиламларида ҳам учрайди. Демак, хоч-ромб-шоҳ “кўчманчилик” санъатининг ўзига хос услубий шакли ҳисобланган. Аммо бу шакл трансформация натижасида хоч ва ромб тасвирини йўқотган.

⁶⁵ И. Гюль. Диалог культур в искусстве Узбекистана. Т., 2005, с. 12.

⁶⁶ Вайнштейн С.Н. Мир кочевников центра Азии. М., Наука, 1991, с. 178.

⁶⁷ Марков Г.Е. Кочевники Азии. М., МГУ, 1976, с. 96.

⁶⁸ Среднеазиатский этнографический сборник. М., Наука, с. 67.

⁶⁹ Древние обряды верования и культы народов Средней Азии. М., Наука, 1986, с. 104.

Фақат жимжимадор шохлар безак кўринишида сақланиб қолган. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари кигиз гиламларида ҳам ҳайвон шохларига ўхшаш тасвирлар кўп учрайди. Хўш, бу нақшлар тасвири нима билан боғлиқ бўлиши мумкин, унинг замирида қандай маъни ётиши мумкин?

О.А. Сухарева кашталардаги кўчқор шохига ўхшаш нақшлар хусусида шундай фикрларни билдирган: “Нақшларда асосан кўчқорнинг битта белгиси, унинг шох ифодаланган. Бундай нақшлар Ўрта Осиёнинг маҳаллий ўтроқ ва кўчманчи халқларида “кўчқорак”, Фарғона водийсида яшовчи қирғизларда “қайкалак”, Нурота ўзбек туркманларида “мўйиз”, туркманларда “чоч бўйиз” деб аталган. Бу нақш икки спиралнинг қайрилган кўринишидан иборат бўлиб, нақш композициянинг марказий қисмига туширилган. Қўй шох нақши ҳам қўй культидан келиб чиққан ҳолда ишлатганлигига шак-шубҳа йўқдир”⁷⁰.

Туркий халқлар орасида қўй энг муқаддас жонивор ҳисобланган ва унга нисбатан алоҳида эҳтиром кўрсатилган. Элшунос олима Е.М. Пещерева маълумотларига кўра, Ўрта Осиё халқларида қўйга қадимдан инсонларни баловоздан асровчи илоҳий жонивор сифатида муносабатда бўлинган⁷¹. Ўзбек хонадонларида кўчқор калла суягини ёмон кўзлардан асраш воситаси, қуроли сифатида бирон бир дарахтга, дарвоза устига осиб қўйиш одати ҳанузгача мавжуддир. Умуман олганда, қадимги диний тасаввурларга кўра, қўй ҳимояловчи жонивор ҳисобланган⁷². Бу унинг эҳтиром объекти сифатидаги асосий функцияси ҳисобланган. Қизиғи шундаки, қўйларга бошқа жониворлар каби ҳеч қачон тумор тақишмаган. Сабаби қўйнинг ўзи инс-жинслар ва ёмон кўзларга қарши ҳимоячи ҳисобланган⁷³.

Археолог олимлар Ю.Д. Баруздин ва Б.Г. Брыкина Қирғизистон жанубидаги археологик ёдгорликларни ўргана туриб одам суяклари билан

⁷⁰ Сухарева О.А. Орнамент декоративных вышивок Самарканда и его связь с народными представлениями и верованиями (вторая половина XX – начало XX в.) СЭ. 1983, № 6, с. 78.

⁷¹ Пещерева Е.М. Гончарное производство Средней Азии. М., Наука, 1959, с. 100.

⁷² Аширов А.А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Т., ЎМК, 2007, 150-бет.

⁷³ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М., Наука, 1969, с. 315.

бирга қўй калласи дафн этилган қабрга дуч келганлар⁷⁴. Қўчқор қадимги зардшштийлик динида уй эгаларини, уларнинг сихат-саломатликларини қўриқлаб турувчи илоҳий маъбуд сафатида талқин этилган. Қалаверса, Эрон ва қадимги Турон халқлари уруш ва ғалаба худосини қўчқор тимсолида тасаввур қилганлар⁷⁵. Демак, қўйнинг ҳимояловчи сифати қаралиши ва унга ўзига хас муносабат Ўрта Осиё халқлари кигизлари, гиламлари, кашталарида қўчқор шохлари кўринишидаги нақшларнинг кенг тарқалишига олиб келган.

Кейинги босқичларда қўчқор шохлари тасвири ”ёвуз” кучлардан ҳимоя вазифасини бажарган. Уларни ёғочдан тайёрлашиб, болалар ва қизлар бош кийимларига тикиб қўйишган. Пишитилмаган тандирлар сиртига ҳам қўчқор шохларининг рельеф тасвири туширилган. Кўриниб турибдики, эндиликда жониворнинг ўзи эмас, балки унинг маълум бир тана қисми ҳимоя воситасига айланган⁷⁶. Хоразмда деразалари кўчага қараган, оҳак ёки оқ бўр билан қўчқор шохлари кўринишида нақш берилган уйларнинг янги типи пайдо бўлди. Хулоса қилиб айтганда, халқларнинг ҳайвонлар култи билан боғлиқ эътиқод ва қарашлари уларнинг моддий маданиятида ҳам акс эттирилган.

СУРХОН ВОҲАСИДА КАШТАЧИЛИК

Каштачилик ипакчилик негизида тараққий этган Ўрта Осиёнинг барча ҳудудлари, жумладан, Сурхондарё воҳасида ҳам ривожланган ҳунармандчилик турларидан бири ҳисобланган. Асрлар давомида авлоддан авлодга утиб келаётган *каштачилик* ташқи дунёдан айро яшашга мажбур бўлган аёлларнинг ижодий қобилиятлари. орзу-умидлари, табиатга, гўзалликка бўлган муҳаббати намоён бўлган. Қиз болаларни яхши каштачи бўлиб етишиши учун уларга ёшлигидан ҳунар ўргатилган. Ўрта Осиё, жумладан, воҳа аёлларининг барчаси ўз оиласи учун каштачилик буюмларини ўзлари тикишган. Каштачилик буюмлари сирасига *сўзана*, *жойнамоз*, *тахмонпеч*, *бўғжома*, *ёстқўйи*,

⁷⁴ Баруздин Ю.Д., Брыкина Г.А. археологические памятники Баткена и Ляйляка (юго-западная Киргизия). Фрунзе, 1962, с. 62.

⁷⁵ Ягодин Б.Н., Ходжайов Т.К. Некрополи древнего Маздаккана. Т., Фан, 1970, с. 115.

⁷⁶ История материальной культуры народов Узбекистана. Т., 1961, с. 87.

зардевор, дорпеч чойшаб, палак, белбоғ, дўппи ва хоказоларни киритиш мумкин.

Ҳозирги кунгача сақланиб қолган кашталарнинг асосий қисми XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларига тегишли бўлиб, XIX аср кашталари ўзининг гўзаллиги, нозик тикилиш услуби, ранглар мутаносиблиги, қадимий безак намуналари билан ажралиб туради. Мутахассисларнинг фикрича, бу даврда каштачилик юксак даражага кўтарилган.

Турли кашталарнинг кўриниши, шакли, ўлчови, асос, яъни тағ матоси, гул нақшлари ҳамда тикилиш услубига қараб уларнинг турмушда тутган ўрни белгиланган. Масалан, деворларга осиладиган ва ёшларнинг тўшаклари устига ёпиладиган *сўзаналар* (бўйи 230 — 280, эни 170 — 200 см.) марказий гул-нақш ва ҳошияли бир бугун кўринишга эга бўлган.

Тахмонга йиғилган тўшакларнинг устини ёпиш учун ишлатиладиган *тахмонпўш* сўзанадан ўлчовининг кичиклиги (бўйи 170 — 250, эни 120 — 150 см) билан фарқланган.

Сандалпўш эса квадрат шаклида, яъни тўрт томони бир хил (150 - 150 ёки 170 - 170 см) ўлчамда бўлган.

Жойнамознинг ўртасига гул тикилмаган. Бош томони ва иккала четидаги нақшли ҳошия бир-бири билан равоқ. ҳосил қилиб бирлашади. Жойнамоз (бўйи 130 — 150, эни 90 — 110 см) ва рўйжо (бўйи 260 — 285 см, эни 165 — 200 см) нинг паст томонига ҳошия тикилмай, очик қолдирилган .

Бўғжома ёки *бугчапўш* турли хил буюмларни туғиб қуйиш учун ишлатилган. Унинг беағи буюм марказида жойлашган. *Бўғжоманинг* бошқа жойида беағи бўлмаган.

Хонанинг, асосан, тепа қисмини безатиш учун тикиладиган *зардевор* айнан такрорланувчи гуллар билан безатилган. Унинг бўйи 50 см, эни 350 — 400 см ўлчамда бўлган.

Йирик сўзаналарни тикиш учун узок, вақт кетган. Бунда гул босилган мато бўлак-бўлак бўлиб, ҳар бири алоҳида тикилган ва кейин яхлит ҳолга

келтирилган. Бунинг натижасида, баъзида нақшлар бир-бирга тўғри келмай қолган холлар ҳам учрайди.

Кашталарга *қаламкаш* ёки *чизмакаш* деб ном олган моҳир каштачилар учи ингичка қамиш қалам билан матога гул чизган. Улар кўплаб нақшларни ёддан билган ва янги безак турларини яратишган ҳамда кашта гуллари рангини белгилаб берган. *Чизмакаш* ўз асарларига асос қилиб асрлар бўйи сақланиб келаётган нақш турларидан фойдаланган ва уни ўз ижодий янгиликлари билан бойитган. Шу жумладан, каштачиликда қадимий нақш турларидан бири қалампир нусха ўз мафтункорлиги билан асрлар давомида ижодкорлар диққат марказида турган ва турли шаклда янги безак сифатида тасвирланиб, сайқалланиб келган.

XIX аср 80-йилларигача сўзаналар оқ карбос ёки сариқ рангли қалин матоларга тикилган. Ушбу кашталар мафтункорлигини нақшлар ранг-баранглиги, нозик тикилиш усули ва табиий бўёқларда бўялган ипак иплар жозибаси билан изоҳлаш мумкин. Кашталарни тикишда ипак иплардан ташқари, оч қизил рангли жун иплардан ҳам фойдаланишган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бундай жун иплар Ўрта Осиёга Ҳиндистондан келтирилган бўлиб, каштачиликда XIX аср ўрталарида пайдо бўлган ва 80-йилларида яна йўқ бўлиб кетган.

Кейинроқ эса кашта тикиш учун маҳаллий хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган бинафша, кўк, жигарранг сидирға матолар, Россиядан келтирилган оқ ва рангдор газламалар ҳамда кўпроқ сунъий рангларга бўялган маҳаллий ипаклардан кенг қўлланилган. Шу жумладан, XIX асрнинг 80 - 90-йилларидан ипакларни арзон анилин бўёқлари билан бўяш урф бўла бошлаган. Бу эса *каштачилик* буюмлари сифатига ўз таъсирини ўтказган. Бу бўёқ, табиий бўёқлар рангидан мутлақо фарқ қилиб, ипакка кескин очик ранг берган.

Сурхондарё воҳаси *каштачилигида сўзаналарга босма* ва *йўрма* чокларининг турли хиллари билан сидирға матога тўлдириб гул тикиш хос бўлган. Безак нақшлари ҳам шу чокларда тикилган.

Босма чокда икки - *ироқи* ва *кандахаёл* услублари мавжуд. *Ироқи* услуб майда чокли тикиш бўлиб, чоклар деярли перпендикуляр, мато устига узунасига тортилган ипга нисбатан сал қийшиқроқ тикилиб, ҳар қайси қатор чоклари бир-биридан ажралиб турган. Шунда сўзананинг олд томонида чиройли ва нафис гуллар солинган чокларнинг тўғри қатори ҳосил бўлган. Орқа томонидаги эса олд томонидагага нисбатан кўполроқ чок қаторлари юзага келган. Қаторлар орасининг катта-кичикгигига қараб ушбу чок ҳам икки — нафис ва чиройли *майда ироқи чок* ҳамда кўполроқ кўриниш берадиган *йирик ироқи чокка* бўлинади.

Бойсун каштачилиги қишлоқлардагига нисбатан юқори сифатлилиги билан ажралиб туради. Бойсун *дўппилари* ва *синаванчалари*, асосан, *ироқи чокда санама* ҳамда *чизма* услубда тикилган.

Санама услубида асос учун икки қават чит устидан бўз қўйилиб, кейин гулларнинг ўрни белгиланган. Баъзи тажрибали тикувчилар безак нақшини ёддан билса, кўпчилик каштачилар олдида маълум бир намуна турган ва ўша намунадан кўчирма олган. Одатда, гулларнинг ўрни қора рангда тикиб чиқилган. Кейин *кашта* гулларининг ичи тўлдирилган. Бу усулда кашта тикишда ранг танлаш кўпроқ тикувчининг хоҳишига боғлиқ бўлган. Бойсун анъанасига кўра, кўпроқ яшил ранг *дўппилар* қури учун ишлатилган бўлса, кўк ва оқ рангли ипак иплар, асосан, дўппи ҳамда синаванчаларнинг асосини тикишда ишлатилган. *Дўппи* гуллари кўпроқ оч ҳамда тўқ пушти, жигарранг, сариқ ҳамда сиёҳранг ипларда тикилган.

Санама услубининг ўзига хос ҳамда аҳамиятга молик томони шундаки, бу усулда тикилган нақш шакллари жуда аниқ чиққан ва бир-биридан ажралиб турган. Нақшлар орасидаги масофа бир хил бўлган. Тикиш давомида атига бир катак адашилса ҳам, шакл бузилган, ўлчамлари фарқли бўлиб қолган. Бундай ҳолатда ишни бузиб, қайта тикишга тўғри келган. Шу сабабли санама услубида тикувчидан кўпроқ диққат талаб этилган.

Сурхондарё вилояти Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган бўлиб, шимолдан Ҳисор тоғ чўққилари ва жанубдан Амударё билан чегараланган. Бу

ҳосилдор ва иссиқ серкуёш воҳа Тоҷикистон ва Туркманистон билан қўшнидир. Сурхондарё қадим замонлардан буён ўзига хос маданият бешигига эга бўлган, яқин қўшни давлатлар халқлари маданиятлари билан мустаҳкам алоқада бўлиб келган. Аҳолиси ўзбек, тожик ва туркман халқлари бўлган Сурхондарё вилояти бу халқлар ижоди, санъатини ўзаро бирлаштирган ҳолда, янги, ўзига хос санъатини намоён этмоқда.

Вилоятга хос халқ амалий безак санъатининг таъсири хонадонларни безашда кузатилади, дид билан ранг танлашда ва аёлларнинг кийими ва тақинчоқларида акс этиб туради. Сурхондарё халқ амалий безак санъати ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу нарса тилла тақинчоқларда, сўзана тикиш, гилам тўқишларда ва сопол буюмларда ҳам ўз аксини топган.

Республикамизнинг бошқа вилоятларида бўлганидек, бизнинг вилоятимизда ҳам ҳар бир хонадонда тўқиш ва каштачилик билан аёлларимиз шуғулланадилар. Сўзана тикиш, зардевор, борпуш, боғжом, ойна-халта каби каштачилик буюмлари бугунги кунда ҳам халқимизнинг урф-одатига айланган ва унинг намуналарини ҳар бир хонадонда учратишимиз мумкин. Дўппи, белбоғ, жиякларни бадийи безашда тикувчи-каштачилар, асосан, шойи иплар билан «босма», ва «юрма» тўқишлар каби нақшлардан фойдаланганлар. Буюмларни безашда аёлларимиз «гириҳ» ва ўсимликсимон нақш унсурларидан фойдаланганлар.

Тўқиш нақшларида кўпинча қуйидаги элементлар ишлатилган:- «қўчқор ўк», «хоч»- булар ҳаммаси илоҳий кучга эга бўлган тушунча ҳисобланган. Асрлар мобайнида бу тушунча билан яшаб келган халқ шу нақшлардан кўп фойдаланган. Лекин, ҳозир бу тушунчалар ўз кучини йўқотган бўлсада, хотин-қизлар тўқишларда бу элементлардан бугунги кунда ҳам фойдаланиб келмоқдалар. Бугунги кунда ҳам вилоятимиз санъатига хос ҳар хил гул тўқиш элементлари мавжуд. Гул тўқиш деган тушунча-бу охири йўқ, чексиз, бепоян ҳамиша ривожланиб бораётган нақш бериш деганидир. Нафақат кашта билан матоларга чирой берилган, балки гилам тўқишда ҳам ҳар хил элементлар

ишлатилган. Гилам тўқишда кенг дастгоҳ ва энсиз дастгоҳлардан фойдаланилган.

Шу қаторда, дастурхон тўқишда, устига кўрпаларни йиғадиган боғжомалар, ҳар хил рўзғорбоп буюмлар сақлаш учун қошиқ халталар ва ҳар хил тўқиш элементларидан фойдаланишган. Шунингдек, «терма», «қокма», «олачипор» тўқишлар ишлатилган. Ҳозир ҳам узоқ тоғ туманларида жуда ноёб чиройли гиламлар, ҳар хил келин пардалар тўқишади. Буларни тўқишда тор қизил йўл безак, оқ кашта безак, қизил-кўк-сарик безак, йўқолиб кетаётган «беш-кашта» беаги ишлатилаяпти.

Сурхондарё хотин-қизлари кийимларига қўшимча бисер ва кумушдан иборат бўлган безаклар ҳам ишлатилиб келинган. Аёллар ўзлари учун ва болаларига ҳар-хил кўкрак ва бўйин тақинчоқлари тайёрлашган. Масалан: трапецияга ўхшаш бисер осилган кўкрак тақинчоқларни кўрсатиш мумкин. Ипларга осилган бисер, ҳар хил квадрат, ромб, гулсимон шакллардан иборат бўлиб, жуда чирой бериб турган. Бисердан тайёрланган тақинчоқлар уй ҳунаромандчилигига киради.

Кумушдан тайёрланган буюмлар вилоят заргарларининг юқори даражали уста бўлганликларидан дарак беради. Бу буюмлар, асосан, аёллар учун тайёрланган бўлиб, кумуш мунчоқлардан иборат бўлиб, узунчоқ, кўзасимон безаклар кўринишида ишланганлигини кўрамиз. Кумуш мунчоқлар коралл тошлари билан қўшиб ишланган, лекин кўпинча кумушдан мунчоқ қилиб ясашган. Мунчоқлар ҳар хил шаклда ишланган. Айниқса, «беш оёқ»-энг кўп тарқалган шакл ҳисобланган. Кўпинча айланасимон сирғалар ишлатилган. Лекин, ҳаммасидан ҳам кўп тарқалгани «уч кўза» сирғалар ишлатилган. Байрам кунлари, оилавий тўйларда аёллар пешонасига чиройли тақинчоқ «синсилла» тақишган. Бу заргарлик буюмлари бизларга усталарнинг нафақат катта маҳоратини, балки уларнинг нозик дидли одамлар эканликларидан далолат беради.

Вилоятимиз амалий безак санъатининг барча турларини кўздан кечирганимизда, англаб олишимиз мумкинки, барча ишлов берилган

безакларда, бошқа давлат халқларининг амалий безак санъатига яқинлигимизни пайқаймиз. Бу дегани, кўплаб халқлар бир-бирларининг ўзига хос шакллар, бетакрор ранглар, услублари билан ўз санъатини бойитади, чиройига-чирой кўшади.

Ҳар қандай урф-одат халқнинг тарихий тажрибасига, унинг маънавий-маърифий дунёқараши ва ижтимоий турмуш тарзининг кўринишларига қараб такомиллашиб боради. Ўз ўрнида урф-одатлар ушбу халқнинг, элат ёки қабиланинг ҳудудий ва табиий яшаш шароитларига қараб ҳам ўсиб борганини кўрамыз.

Ижтимоий турмуш тарзининг яхшиланиб бориши, хусусан, уй-жойлар қурилиши ва унинг жиҳозланишидаги катта ўзгаришлар, уй-рўзғор буюмларига бўлган талабнинг қондирилиши, кийинишдаги замонавийликлар бунга яққол мисолдир. Бундай ўсиш ва такомиллашиб бориш кишиларни, айниқса, аёлларни оғир қўл меҳнатидан қутқарди. Ўз навбатида бу енгилликлар асрлар мобайнида анъана сифатида сақланиб келган кўплаб уй-рўзғор буюмлари ва урф-одатларимизнинг ҳам унутилишига олиб келди. Шу ўринда оддий мисол тариқасида Сурхон ва Қашқа воҳаси тоғ қишлоқларида, айниқса, чорвачилик билан машғул бўлган тоғ ва тоғ олди ҳудудларида яшовчи аҳолининг келин-куёвга атаб тайёрлаган тўшамчи-ҳасалли пўстакни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Бу борада замонавийлик анъанавийлик ўрнини эгаллади. Қиз томондан қилинадиган ҳасалли пўстак ўрнини ётоқ гарнитурлари безаб турибди. Шу билан ҳасалли пўстак ҳам унутилди. Хўш янги бунёд этилаётган оилада ҳасалли пўстак қандай рамзий маъно касб этган. Шунини айтиш керакки, ҳасалли пўстак келин томонидан тайёрланиб икки ёшнинг висол кечасида тўшалган. Кайвони аёллар томонидан келин-куёвнинг шу муқаддас тўшак устида қилган ширин орзуларининг рўёбга чиқиши учун дуолар қилинган. Шу нуқтаи назардан қараганда ҳасалли пўстак аслида асалли пўстак маъносини англатган ва икки ёшнинг асал ойига ишора бўлган.

Хўш ҳасалли пўстак қандай тайёрланган? Дастлаб, жунлари майин ва узун 5-6 та қўй териси яхшилаб ийланган. Ийланиб юмшоқ ҳолга келган

териляр турли хил рангда бўялган. Тайёр бўлган терилярнинг атрофларидаги ортиқча жойлари кесиб ташланиб сал чўзинчоқ тўртбурчак шаклга келтирилган. Узунлиги 2 метр, эни 1,5 метр ўлчамдаги ҳасалли пўстакнинг ўртасига катта оқ тери жойлаштирилган. Турли хил рангга бўялган териляр 15 см энниликда тасма шаклида кесиб чиқилган ва оқ тери атрофига қўйиб тикиб чиқилган. Кетма-кетлик билан тикиб чиқилган тасмаларнинг энг сўнггиси қора рангда бўлган. Натижада турли рангдаги тасмалар жило бериб турган келин-куёв тўшаги-ҳасалли пўстак тайёр бўлган. Ҳасалли пўстакни келин-куёв тагига бир никоҳли ва кўп болали кайвони аёл тўшаган. Ҳасалли пўстакнинг хусусияти шундан иборат бўлганки биринчидан, унга турли хил ҳашоратлар ва курт-кумурскалар яқинлашмаган. Иккинчидан, қишда иссиқ сақлаган ва намни ўтказмаган. Учинчидан эса, ёзда салқин бўлиши учун унинг ярғоқ томонидан фойдаланилган. Биз аجدодларимиз анъаналарининг қанчалик бой тарихий маънига эга эканини битта буюм орқали кўриб чикдик.

СУРХОН ВОҲАСИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ НАМОЯНДАЛАРИ

Сурхондарё вилоятининг табиати, танти одамлари, ноёб осори атиқаларини тарғиб қилишда Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориевнинг хиссаси катта бўлди. Рўзи Чориев томонидан яратилган кўплаб тасвирий санъат асарларида вилоят табиати, одамлари акс эттириб берилди. Рассом янги-янги асарлар билан тасвирий санъатимиз хазинасини янада бойитди. Вилоятда Мустақиллик йилларида ижодкор талантли ёш йигит ва қизларнинг иқтидорларини номоён қилиш мақсадида «Ўзбекистон келажаги болалар нигоҳида» номли расмлар чизиш бўйича кўрик танлов ҳам ўтказилди. Кўрик танловда 2003 йилда Жарқўрғон, Музрабод, Сариосиё, Шўрчи, Қизирик туманларининг ўқувчилари юқори натижа кўрсатди ва Республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритдилар. Улар Республика босқичида фаол иштирок этишиб, Халқ таълими Вазирлигининг фахрий ёрлиқлари ва

қимматбаҳо совғаларини қўлга киритишди. 2003 йилда Жарқўргон туманидаги 28-мактабнинг 7 синф ўқувчиси Сафаров Умиджон Тошкент шаҳрида ўтказилган Республика босқичидаги «Улуғбек юлдузлари» танловида ўзининг чизган расмлари билан иштирок этиб, энг иқтидорли ўқувчи сифатида тан олинган ҳолда Республика бадиий академиясига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинадиган бўлди.

Мустақиллик йилларида вилоят санъаткорлари воҳа санъатини дунёга ёйишда тинимсиз меҳнат қилдилар. Жумладан, Бойсун туманининг «Шалола» (1969 йилда «Халқ театри унвони»ни олган) дастаси қатор хорижий мамлакатларда ижодий сафарда бўлиб, кўп минг сонли мухлислар таҳсинига сазовор бўлди. «Қуралай», фольклор этнографик ансамбли ижодий жамоаси; Узун тумани Б.Омонов номидаги ширкат хўжалигидаги «Роҳат» ашула ва рақс дастаси; Узун тумани К.Алиев ширкат хўжалигидаги «Райҳон», Жарқўргон тумани Тўхта Шобуров ширкат хўжалиги қошидаги «Дилрабо», Сурхон ширкат хўжалигидаги «Сурхон гуллари», Шўрчи тумани маданият уйининг «Кумуш тола», Олтинсой тумани Пахтакор ширкат хўжалигининг «Оқар булоқ тонги», Хўжаипок ширкат хўжалигидаги «Лола», Денов тумани И.Тўраев ширкат хўжалигидаги «Навниҳол» ва Сариосиё тумани маданият уйи қошидаги «Шодиёна» номли ашула ва рақс дасталари ҳам истиқлол йилларида ўз ижодлари билан Республика аҳлига танилдилар. Вилоятнинг Сайёра Қозиева, Ҳосила Раҳимова, Маҳмуд Намозов, Равшан Намозов, Рустам Маҳмудов каби хушовоз хонандалари Республика миқёсида ўтказилаётган барча санъат тадбирларида ва байрамларида ўз репертуарларидаги янги-янги қўшиқлар билан иштирок этмоқдалар.

2002 йил 25 майдан бошлаб, Бойсун туманида «Бойсун баҳори» халқаро очиқ фольклор фестивали ҳар икки йилда бир маротиба ўтказиб келинмоқда. 2002 йилда ўнга яқин хорижий мамлакатлардан санъатшунос, фольклоршунослар, тарихчилар, либос дизайнерлари иштирок этаётган санъат анжумани маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Бу фольклор фестивали ЮНЕСКО томонидан инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси

сифатида эътироф этилди. Бу жаҳондаги шундай нуфузга сазовор бўлган манзиллар ичида ўн тўққизинчисидир. Мустақиллик туфайли маънавий кадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳам вилоятда маънавият ва маърифатни янада юксалтиришга қаратилгандир. Айниқса «Алпомиш» достонининг 1000 йиллик тўйининг 1999 йил 6 ноябрда ЮНЕСКО ҳамкорлигида кенг миқёсида нишонланиши вилоят маданий ҳаётида чуқур из қолдирди. Байрам тантаналарида Республика Президенти И.А.Каримов маъруза қилиб, ҳамда Сурхондарёнинг бахшичилик санъати анъаналарига юксак баҳо берди. Президентнинг бевосита ташаббуси билан «Халқ бахшиси» унвони таъсис этилиб, бу юксак унвонга биринчи бўлиб Ўзбекистонда Шоберди бахши Болтаев сазовор бўлди. «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги муносабати билан «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси томонидан суратга олинган икки қисмли «Алпомиш» бадий фильмида Сурхондарёлик спорт устаси Азамат али Қаландаров Алпомиш ролини яратди. 1995 йил декабрда «Ўзбекистон ватаним маним» мавзуидаги кўшиқ кўрик танлови малакатимизнинг ҳамма вилоят, шаҳар ва туманларида кўтаринкилик билан ўтказилди. 2003 йил март ойида Термизнинг «Баҳор» концерт залида «Ўзбекистон-Ватаним маним»-деб аталган кўшиқ танловининг биринчи босқичи бўлиб, бу Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигига қарашли муассасалар ўртасида ўтказилди. Кўрик танловда болалар боғчалари тарбияланувчиларидан мамлакатдаги Олий ўқув юртлари талабалари ҳам иштирок этди. Кўрик қатнашчилари она Ватан гўзаллиги, унинг истиклолини мадҳ этган кўшиқлари, таниқли бастакорлар, шоирлар ва Халқ таълими Вазирлигининг етакчи мутахассисларидан иборат нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланди. Умуман кўрик танловнинг биринчи босқичида 54 мингдан зиёд санъаткор қатнашди. 10 мингдан ортиқ кўшиқлар ижро этилди. Сурхон воҳасида ҳам бу кўрик танлов учун ҳар йили танлов ўтказиш, воҳанинг Жарқўрғон туманида 1999 йилда 3 та жанр бўйича (миллий фольклор эстрада) ҳамда «Бахшилар танлови» бўйича байрам ўтказилиб, туман бўйича «Ўзбекистон Ватаним маним» кўрик танлови ғолиблари аниқланди. Биринчи

Ўрин Нажмиддин Жононовга («Садо» гуруҳи), иккичи ўрин Абдулла Саидов (мактаб ўқувчиси), учинчи ўрин Сафар Қўрбонов (шаҳар мусиқа мактабидан), Норбўта Жумаев («Мураббий дастаси»)ларига берилди. Танловда 1-2 ўринни олганлар ва бахшилар ичида ғолиб деб топилган Ўрол Худойкулов Вилоят босқичига йўл олди.

2000 йил 26-27 июн кунлари Тошкент шаҳрида Республика Олий ўқув юртлари ўртасида бўлиб ўтган «Ўзбекситон-Ватаним маним» кўшиқлар кўрик танловида Термиз давлат университети талабалари ҳам иштирок этишиб, фахрли 4 ўринни эгаллаб қайтдилар. Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишларни янада ривожлантириш мақсадида вилоятдаги барча маданият муассасаларида фаолият кўрсатаётган бадий раҳбарларнинг иш савияси ва билим доираларини кенгайтириш, уларни ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи бадий раҳбар қилиб камол топтириш, ёш авлодни ғоявий эстетик руҳида тарбиялаш мақсадида олиб борилган ишлар ўз самарасини берди. Жумладан, 2002 йилда Қашқадарё вилоятининг Китоб шаҳрида ўтказилган фольклор-этнографик жамоаларининг Республика кўрик танловида Олтинсой тумани Вахшивор қишлоқ клуби қошида ташкил этилган «Шаршара» фольклор-этнографик жамоаси II ўринга, 2003 йилда ўтказилган «Алла» ижрочиларининг олтинчи анъанавий кўрик танловининг вилоят босқичи деб топилган Жарқўрғон тумани бадий жамоаси кўрик танловининг Наманган шаҳрида ўтказилган Республика босқичида фахрли 2 ўринга сазовор бўлдилар.

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА БАДИЙ САНЪАТ

Бадий ҳаваскорликни ривожлантиришда қўшган ҳиссалари учун 1998 йилда Жарқўрғон тумани маданият қошидаги «Дилрабо» ашула ва рақс дастаси бадий раҳбари Норали Алланазаров, 2002 йилда «Бойсун» фольклор-этнографик дастаси бадий раҳбари Сайёра Қозиеваларга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони берилди. 2005 йилда воҳага хос қатор рақслари Республика ва вилоят миқёсида ўтказилган кўплаб оммавий

тадбирларда сахналаштирган рақслари ва муносиб ижодий хизматлари учун «Ўзбек рақс» Республика маданият бошқармаси вилоят бўлими бош рақс сахналаштирувчиси Шоира Қурбонова ва вилоят Республикада ўз кўшиқлари билан барчани мамнун қилаётган овоз соҳибаси Денов тумани Маданият уйи қошидаги «Навниҳол» ашула ва рақс дастаси хонандаси Ҳосила Раҳимовалар «Шухрат» медали билан, Қизириқ туманидан Абдуназар бахши Поёнов «Ўзбекистон халқ бахшиси» унвони билан тақдирландилар.

Вилоят аҳолиси маданияти ва санъатининг нафақат Республикада балки чет элларда ҳам тан олинаётганлиги барчамизга маълум, албатта, бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва тўққизинчи марта ўтказилаётган «Ўзбекистон Ватаним маним» кўшиқлар танлови келажаги буюк давлатимиз ва унинг бунёдкор халқини мадҳ этувчи инсонлар қалбида муқаддас ватанни, истиқлолни кўз қорачиғидек асраб авайлашга ундовчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва кўшиқларининг юзага келишига кенг имконият яратди. Мамлакатимизнинг беқиёс сахнаси бўлиб хизмат қилаётган бу байрам тадбирлари нафақат янги асарларни, балки кўшиқчилик санъатида ўз мухлисларининг меҳр-муҳаббатини қозона олаётган умидли истеъдодларни яратмоқда. Мамлакатимизнинг маънавий ҳаёти янада яхшилашда 1994 йил 23-апрелда қабул қилинган «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1994 йил 28-июнда Сурхондарё вилояти ҳокимининг Республика «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказининг вилоят бўлимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Вилоятда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ маркази бўлимининг ташкил этилиши вилоят маънавий ҳаётида ясалган улкан ўзгаришлар, маънавий ва маърифий тадбирлар, ўлка аҳолисини, юрт тарихини ўрганиш, миллий қадриятларни чуқурроқ англаш, кишиларни меҳр оқибатли, инсоф диёнатли қилиб тарбиялаш каби жараёнларга алоҳида ҳисса қўшди. Вилоят аҳлига маданий жиҳатдан хизмат кўрсатиш, уларнинг дам олишни мароқли ва

сермазмун ўтказишда вилоят телевидениеси газеталари ва радиосининг ҳам ўзига хос хизмати катта. Вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида радио эшиттириш тизими алоҳида ўрин тутиб, Сурхондарёда маҳаллий радио эшиттиришлари 1947 йилда ташкил этилган. Термизлик Қодир Ғуломов ушбу радионинг ташкилотчиси ва биринчи бошловчиси бўлган эди, вилоят радиосида ўзбек, рус ва тожик тилидаги эшиттиришлар эфирга чиқди.

Радио эшиттиришлар 1996 йилдан бошлаб «Қишлоқ ҳаёти», «Маънавият булоқлари», «Аср садоси», «Оламни асранг дўстлар», «Инсон ва қонун», «Дугоналар», «Ёшлик», «Ханда» каби янги рукндаги эшиттиришларни тайёрлаб, тингловчилар эътиборига ҳавола қилинди. Вилоят радиосини воҳа санъаткорларининг ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг, мусиқа санъатининг оммалаштиришдаги ўрни алоҳидадир. Вилоят радиосининг фонотика хазинасида воҳа тарихига оид ҳужжатли адабий ва бадиий мусиқали ҳамда бошқа қимматли ёзувлар сақлаб келинмоқда. Вилоят радио комитетига Озод Авлиёқулов (1963-1980 йиллар), Абдулла Холмирзаев (1989-1996 йиллар) каби жонқуяр журналистлар раҳбарлик қилдилар. Сурхондарё телерадио маркази 1990 йилнинг 16 октябрида иш бошлаб, вилоят аҳолиси ва қўшни Тожикистон Республикасининг жанубий туманлари ҳамда Афғонистон Ислом Республикасининг Балх вилояти аҳолиси хонадонларига Сурхондарё телевидениеси орқали ўз кўртувларларини тақдим этди. Сурхондарё вилоят телевидениеси билан биргаликда «Ишонч», «Кўзгу», «Адолат», Денов ва Шеробод шаҳарларида нодавлат, нотижорат телевидениелар ҳам фаолият бошлади.

Сурхондарё воҳасида ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва сиёсий ҳаётни, унда акс этувчи воқеа ва ҳодисаларни халқимизга ўз вақтида етказиб беришда матбуот нашрларининг ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Вилоятда «Жайхун» нашриёти, «Сурхон тонги», «Заря Сурхана», «Халқ йўли», «Эркин сўз», «Садон Сурхон», «Жануб вақти», «Адолат тарозиси», «Маънавият гулшани», «Аёл ва замон», «Термиз Давлат Университети», ҳамда туман газеталари мамлакатимизда демократик жамиятни такомиллаштиришда, ижтимоий

барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеа - ҳодисаларни тарғиб этмоқда. Сурхондарё вилоятида Маданият ишлари Вазирлиги тизимидаги 413 кутубхона, Маданият ишлари Вазирлиги тизимига кирмайдиган 869 та кутубхона аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Вилоятдаги 15 та марказлашган кутубхоналар тизимлари бўлиб, 14 таси марказлашган кутубхоналар тизимлари ва 1 таси эса шаҳар марказлашган кутубхоналар тизими ҳисобланади. Ушбу марказлашган кутубхоналар тизимида 407 та кутубхона марказлаштирилган бўлиб, шулардан 20 таси болалар кутубхонаси, 11 таси махсус кўзи ожизлар кутубхонаси ҳисобланади. Шаҳарларда 41 та, кишлоқларда 372 та, Термиз шаҳри аҳолисига 3 та шаҳар кутубхоналари ва 3 та вилоят кутубхоналари хизмат кўрсатмоқда. 2005 йилнинг июл ойида Қизирик тумани марказий кутубхонасида «Кутубхона каталогларини таҳлил қилиш ва адабиётларни ҳисобдан чиқариш» мавзусида, Шўрчи тумани марказий кутубхонасида «Ахборот танлаб тарқатиш» мавзусида семинар машғулотлари ўтказилди.

Вилоятдаги адиб Собир Термизий номли кутубхона вилоятдаги 413 та кутубхонага услубий марказ ҳисобланиб, уларга услубий ва амалий ёрдамлар бериб келмоқда. 2005 йилда туман кутубхоналарига ёрдам тариқасида «Обод маҳалла-озод ватан таянчи» мавзусида элнинг энг суюкли адиби, шоир Мусо Тошмуҳаммад Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб «Инсон гўзаллигини ўлчовчи шоир», «Ғафур Ғулом 102 ёшда», Ўзбекситон Республикаси Мустақиллигининг 13 йиллигига атаб «Борлиғимиз сенга бахшида Ватан» мавзуларида услубий қўлланмалар тузилиб, китоб тариқасида тарқатилди.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Сурхон воҳасида моддий маданият тарихининг ривож, хўжалик тараққиёти, моддий маданият ва маданий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари тарихий жараён билан бевосита боғлиқ ҳолатда ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналди. Баркамол ёш авлодга Сурхон воҳаси жаҳон цивилизацияси тарихи ривожда муносиб ҳисса қўшган этнографик макон сифатида ўз ўрнига эга эканлиги таҳлил этилиб, қадимий касб-хунарлар, маънавий-ахлоқий ҳаёт соҳасида халқимизнинг босиб ўтган ҳаёт йўли жаҳон цивилизацияси тарихида катта аҳамиятга эга эканлиги тушунтириб берилди. Сурхон воҳаси илк кишилик жамиятининг манзилгоҳи, тасвирий санъатга асос солинган ҳудуд, деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик шаклланган макон сифатида ажралиб туради. Сурхон воҳаси ўтмишда моддий маданиятни юксалтирган, анъанавий хўжаликни юксак даражада тараққий эттирган, ўтмиш ва ҳозирги замон маданий тараққиётини узвий шаклланишига имкон яратган, ёш авлодга ва келажакка муносиб ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий ғурур ҳамда ғоявий эътиқодларни тақдим этган юрт.

Мамлакатимизнинг Сурхон воҳасида моддий маданият тарихи ҳам бамисоли «очилмаган кўрик» бўлиб, моддий маданият тарихи кўп минг йиллик ўтмиш тарихимизда босиб ўтилган моддий маданиятининг туб илдизларини ўрганиш масъулияти ҳам бугуннинг энг долзарб мавзусидир. Узоқ тарихий кечмиш давомида минтақада содир бўлган моддий маданият тарихи дурдоналарининг яратилиш жараёнини тарихий жиҳатдан очиб берди. Битирув малакавий ишида илгари сурилган ғоялар ўзининг долзарблиги билан муҳим аҳамият касб этади.. Шунингдек, воҳа тарихининг қадимги ва ўрта асрлар даври асл манбалар асосида таҳлил қилинади. Сурхон воҳасида моддий маданият тарихининг янги ва ҳозирги замон тарихини ёритишда ҳали илмий қамровга киритилмаган кўплаб архив ҳужжатлардан самарали фойдаланилди. Ўзбекистон Республикасида кечаётган туб ижобий ўзгаришлар шароитида шаклланган миллий истиқлол мафқураси асослари асосида яратилиди.

Сурхон воҳасида моддий маданият тарихини ўрганиш анчадан буён тарихчиларимиз олдидаги муҳим вазифа бўлиб келган. Шу сабабли ҳам ушбу масала юзасидан кўплаб тарихий ва илмий асарлар яратилган. Сурхон воҳасида моддий маданият тарихини мукаммал ва ҳолис ўрганишда қуйидаги манбаларга таянилади:

1. Сурхон воҳасида моддий маданият тарихининг ибтидоий жамият давридаги ҳамда қадимги давр тарихини ўрганишда воҳада олиб борилган археологик илмий тадқиқотлар ва ушбу тадқиқотлар асосида яратилган илмий адабиётлардан фойдаланилди;

2. Сурхон воҳаси ўзбек давлатчилиги тарихида ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Тарихий тараққиётнинг узоқ даврлик жараёнининг маҳсули сифатида шаклланган жуда кўплаб археологик ёдгорликлар мажмуи воҳада шаклланган бой моддий маданиятни бевосита иъникоси саналади. Шунинг учун ҳам минтақада жойлашган археологик ёдгорликларни моддий маданиятнинг ажралмас қисми сифатида тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналди.

3. Воҳада жойлашган монументал меъморий ёдгорликлар ҳам моддий маданиятнинг ажралмас қисмидир. Шу боисдан ҳам минтақадаги муқаддас қадамжолар меъморий ёдгорликларнинг ўрганиш орқали воҳа аҳолисининг бой моддий маданият соҳиби эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

4. Моддий маданият тарихининг собиқ советлар даври, яъни мустабид тузум шароитидаги тарихини ёритишда ўша даврга оид илмий адабиётлар, архив ҳужжатлари ва матбуот материалларидан танқидий ва ҳолис тарзда манба сифатида фойдаланилди;

5. Моддий маданиятнинг мустақиллик йиллари давомида ривожланиш хусусиятларини ёритишда эса статистик материаллар, йил якунларига доир ҳисоботлар, архив ҳужжатлари ҳамда матбуот материаллари манба вазифасини ўтайди.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент. «Маънавият» 2008
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йук. – Тошкент. «Шарк» 1998
3. Каримов И.А. Оллох калбимизда юрагимизда. – Тошкент. «Узбекистон». 1999.
4. Каримов И.А. Жайхун соҳилидаги бокий шаҳар. «Маърифат» 2002 йил 3 апрел.
5. З.Чориев, Т.Аннаев, Б.Муртазаев, Ш.Аннаев. Ал-Ҳаким ат-Термизий. – Тошкент. «Янги аср авлоди» 2008
6. З.Чориев, Ш.Шайдуллаев, Т.Аннаев. Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва таракқиёти. – Тошкент. «Янги аср авлоди» 2007
7. Ж.Мирзо. Термиз тарихи. – Тошкент. «Шарк». 2001
8. М.Азимов. Термиз тарихи (Энг қадимги даврдан ХХІ аср бошларигача). Денов «Насаф» 2001
9. З.А.Аршавская, Э.В.Ртвеладзе, З.А.Ҳакимов «Средневековые памятники Сурхандарьи».
10. Meyedorf, g. Yoyage d Orenburga Bouckara fait en 1820, Paris. 1826.
11. Энциклопедический лексикон т.21. СПб, 1835 с. 154.
12. Борнс А.Путешествие в Бухару. ч. III. М, 1949 г.с. 225.
13. Генри Юль «Очерк географии и истории верховьев Амударьи». Перев. С англ. О.А.Федченко. СПб, 1873.с. 18.
14. М.Е.Массон. Указ.соч.стр.11
15. Ж.Мирзо. Термиз тарихи. 39-бет. Тошкент 2001. «Шарк».
16. (1 ар-100 кв.м. 1 сажин-2,1 м.)
17. А.Г.Ананьев. Орошение «Шерабадской долины» водами реки Сурхана. Ташкент, 1911. стр.18.

18. И.В.Мушкетов. Туркестан. Геологическое и прографическое описание по данным странам во время путешествий с 1874 по 1880 г. I.I. СПб, 1876 г. с. 577.
19. Н.Маев, Е.Ф.Каль. (некролог) Туркестанские ведомости за 1891 г. № 39.
20. «Первые русские поселения в Термезе». Книга рассказов. № 464. Стр 2. Архивный фонд музея Археологии Термеза.
21. «Первые русские поселения в Термезе». Книга рассказов. № 464. Стр 10. Архивный фонд музея Археологии Термеза.
22. Г.В.Парфёнов истории исследования Старого Термеза. (Материалы к археологической карте Сурхандарьинской области) Ташкент 1941. стр 66.
23. Ж.Мирзо. Термиз тарихи. «Шарк» нашриёти. Тошкент. 2001 й. 83-бет.
24. Г.В.Парфёнов истории исследования Старого Термеза. (Материалы к археологической карте Сурхандарьинской области) Дело № 169. стр 45. (Термиз Археология музейи илмий архив фонди).
25. Н.П.Остроумов и И.В.Аничков Описание археологической и нумизматической коллекции принадлежащих Ташкентскому музею и Туркестанскому археологическому кружку. Сост: Н.П.Остроумов и И.В.Аничков и др. Т., 1900г. стр 25.
26. ЦАУ Уз ССР, ф.т.к.л.я. 1896F07ГГ.. Дело №4 «Письма разных лиц». Лист 42.
27. Протоколы Т.К.Л.А. от 29.08.1897 г. с 16-17.
28. Б.Н.Литвинов. Через Бухару на Памир. Исторический вестник за 1904 г. Книга 10,11,12.
29. Г.В.Парфёнов истории исследования Старого Термеза. Материалы к археологической карте Сурхандарьинской области. Т., 1941 Дело № 169. стр 64. (Термиз Археология музейи илмий архив фонди).
30. А.А.Семёнов. По границам Бухары и Афганистана (Путевые очерки 1898 года) Исторический вестник. 1902. №4. с.117.

31. Б.Н.Кастальский. Краткая записка о земле и воде владений Ур.Термез и его окрестностях (Ц АУ УзССР ф.Полиагентства в Бухаре). Дело 196, л. 187-192. (Копия записки хранится в архиве Краев.музея).
32. Р.Ю.Рожевиц. Поездка в южную среднюю Бухару 1906 году. СПб 1908 г.
33. Концессия-ер, кон, корхона ва шу кабилардан фойдаланиш хакида давлат билан айрим шахслар ёки фирма уртасида шугулланадиган шартнома.
34. А.Г.Ананьев. Орошение «Шерабадской долины» водами реки Сурхана. Проект военного инженера А.Г. Ананьева, Ташкент, 1911. стр 26.
35. Известия комитета по изучению Средней и Восточной Азии. Серия 2. №1. СПб 1911 г. с.60.
36. Известия комитета по изучению Средней Азии и Восточной Азии. Серия 2. №1. СПб 1911 г. с.60.
37. Туркистанские ведомости 1911. № 232 с.4.
38. Туркистанские ведомости за 1911. № 240 местное издание. с.4.
39. С.С.Неуструев. Путешествие в южную Бухару и исследование Шерабадской долины. СПб. 1915 г. с.39.
40. Россия. Полное географическое описание нашего отечества том XIX. Туркестанский край. Сост. И.В.Масальский. СПб. 1913. с. 731-733.
41. А.Т.Ананьев. Шерабадская долина. СПб. 1914 г.
- 35.В.В.Бартольд. К истории орошения Туркистана. СПб. 1914 г.
42. А.Г.Ананьев. Орошение «Шерабадской долины» водами реки Сурхана. Ташкент, 1911 г.
43. С.К.Кондратов. Водоиспользование Шерабадской и Сурханской долины Бухарского ханства. М. 1918 г.
44. Г.А.Пугаченкова, Э.В.Ртвеладзе и др. Далварзинтепе-кушанский город на юге Узбекистана. Ташкент, 1978 г.
45. Г.А.Пугаченкова. Далварзинтепе. Ташкент, 1978 г.

46. Б.А.Тургунов. Приёмы фортификации античного Чаганиана. СА, 1968. №1
47. Б.А.Турғунов. Далварзинтепа топилмалари. «Гулистон» 1971. №8
- 49.Сидоренко А. И., Артыков А. Р., Раджабов Р. Р., Золотое шитьё Бухары, Т., 1984.
- 50.Дальверзинтепе (Коллектив), Т., 1978;
- 51.Пугаченкова Г. А., Ртвеладзе Э.В., Дальверзинтепе – Кушанский город на юге Узбекистана, Т., 1978;
- 53.Ртвеладзе Э., Великий шелковый путь. Энциклопедический справочник, Т., 1999.